

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ
ЖАҲОН ЖУРНАЛИСТИКАСИ НАЗАРИЯСИ, АМАЛИЁТИ
ВА ТАРИХИ КАФЕДРАСИ**

**ҚАРШИБОВЕВА ВИСОЛА МУРТАЗОЕВНА
ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯ ЖАРАЁНИДА ЖАМОАТЧИЛИК
ФИКРИНИ БОШҚАРИШ**

(«Хуррият» ва «Аргументы и факты» газеталари мисолида)

мавзусида 5320400 – халқаро журналистика йўналиши бўйича бакалавр
даражасини олиш учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар:

**Акбар Нурматов
ф. ф. н., доцент**

Расмий тақризчи:

**Воҳид Лукмонов,
Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги
маҳаллий ахборот таҳририяти
бош муҳаррири**

**МАВЗУ: ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯ ЖАРАЁНИДА
ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ БОШҚАРИШ
("Хуррият" ва "Аргументы и факты" газеталари мисолида)**

РЕЖА:

Кириш.....	3
I БОБ. МАНИПУЛЯТИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ БОРАСИДА ЗАМОНАВИЙ ОАВ ИМКОНИЯТЛАРИ	
1.1-§. Жамоавий онгни ахборот-психологик таъсирлар ёрдамида бошқариш.....	9
1.2-§. Ахборотлашган жамиятда тафаккур эркинлиги масаласи.....	22
II БОБ. БОСМА ОАВНИНГ ИЖТИМОИЙ ФИКРГА ТАЪСИРИ	
2.1-§. Матбуотда манипуляция ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш эҳтиёжи.....	36
2.2-§. Жамоатчилик фикрини бошқаришда "АиФ" ва "Хуррият" нашрларининг ўрни.....	47
Хулоса.....	58
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	61
Иловалар	

КИРИШ

**Ҳаммамиз яхши тушунамизки,
ҳозирги вақтда оммавий ахборот
воситаларининг вазифалари ҳам, улар
олдига қўйилган талаблар ҳам кўп.
Лекин энг муҳими – ҳаёт ҳақиқатини
тўлақонли акс эттиришдан иборат.
Чунки ҳақиқат журналистиканинг
ўзгармас ва доимий шарти бўлиб келган
ва шундай бўлиб қолиши зарур.¹**

Ислом КАРИМОВ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Айни пайтда кенг жамоатчиликни қизиқтираётган, ташвишга солаётган, инсон руҳияти ва турмуш тарзидаги ўзгаришлар ҳақида жиддий ўйлашга мажбур қилаётган муаммолардан бири — оммавий ахборот воситаларининг бугунги мавқеи, психологик ва мафкуравий таъсир этиш кучи, десак адашмаган бўламиз. Оммавий ахборот воситалари — сиёсий ва иқтисодий ҳукмронлик, дунёга эгалик қилиш учун бораётган курашлар майдони, манфаатлар ҳимоячисига айланди. Тадқиқотчилар “жамоатчиликнинг, аудиториянинг ОАВдан кутадиган асосий ахборот етказиб бериш функциясига муносабат ўзгаргани, олдин етказиладиган ахборот муҳим ҳисобланган бўлса, энди асосий эътибор унинг қай тарзда тақдим этилишига қаратилаётгани”² ҳақида тинмай бонг ураётир. Оммани у ёки бу фикрнинг тўғрилигига ишонтириш, муайян шахс ёки воқелик юзасидан унда салбий ёки ижобий муносабат уйғотишда давлатлар, ташкилотлар ҳамда уюшмалар ОАВ кучидан самарали фойдаланаётганини алоҳида таъкидлаш керак.

¹ Каримов И. А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш, Т., “Ўзбекистон”, 2009, 10-б.

² Ибрагимова Н. Имидж таъсирни кучайтиради / “Ўзбекистон матбуоти”, 3-сон, 2008 йил.

Мутахассисларнинг фикрича, “XXI асрда маънавий, мафкуравий ва ахборот омилларининг таъсир кучи моддий ва молиявий ресурсларга нисбатан кўпроқ кўзга ташланмоқда. Бу ўринда гап тор манфаатларга бўйсундирилган ва йўналтирилган мақсадли таъсир ҳақида бормоқда. Тажриба шуни кўрсатадики, мақсадли таъсир миллат, мамлакат, сиёсий тизим салоҳияти ва бошқа психологик омилларга қараб, турли даражада намоён бўлади ёки турли оқибатларни келтириб чиқаради”³.

Албатта, ОАВнинг сиёсий кураш майдонига айланаётгани — жиддий ўйлаб кўришга арзийдиган масала. Чунки, тор доирадаги манфаатларни ҳимоя қилувчи журналистдан холисликни кутиб бўлмайди. Ўз навбатида, газета ва интернет саҳифалари, радиотўлқинлар ва телевидение экранларида акс этаётган яширин ва ошкора ахборий хуружлар мамлакатлар орасидаги муносабатларни чигаллаштириб юбориши, оммавий ахборот воситаларининг дастлабки, ахборот узатиш функциясини батамом йўққа чиқариб қўйиши ҳеч гапмас.

Биз эркинликка интилганимиз, демократик тамойиллар асосида яшаганимиз сари, эркин ахборот олиш имкониятимиз кенгаяди. Бироқ, ахборот манбаларига қанчалик кўп мурожаат қилсак, манипуляция “қурбони”га айланиш, бировларнинг махфий “буйруқлар”ига итоат қилиш хавфи ҳам ортиб боради! Бу – ахборот олиш эркинлиги туфайли юзага келган парадоксал ҳолат.

Статистикага кўра, ўртамиёна ахборот истеъмолчиси, телевизор кўриш ва радио эшитиш учун ҳар куни тахминан 4 соат вақт сарфлайди. Ушбу муддат нейролингвистик дастурлаш орқали томошабин ва тингловчилар онгида “буюртмачилар”га керакли тушунчаларни (улар реалликка зид бўлган тақдирда ҳам) шакллантириш учун етарли⁴.

Омма онгида нотўғри тушунчаларни шакллантириш, “оқни қора” қилиб кўрсатиш, жамоатчиликни сохта ғоялар ортидан эргаштириш нотўғри қарорлар қабул қилишга, жамият ҳаётининг издан чиқишига сабаб бўлади.

³ Мирносиров М. “Глобал таъсир воситаси”/ “Tafakkur”, 2-сон, 2004 йил

⁴ <http://www.33333.ru/public/manipula.php?st=2>

Буни Иккинчи жаҳон уруши ҳамда Собиқ социалистик тузум парчаланиши мисолида кўрамиз. Юқоридаги сабаблар манипуляция ҳодисасини жиддий ўрганиш, ва унинг салбий оқибатларини имкон борича юмшатиш чораларини кўриш учун етарли асосдир.

Битирув малакавий ишининг мақсади ОАВнинг жамоатчилик фикрига таъсир этиш усуллари ва оқибатларини ўрганиш ҳамда инсон тафаккурининг шаклланишида оммавий коммуникация воситалари қанчалик муҳим аҳамият касб этишини кўрсатиб беришдан иборат.

Кўзланган мақсадни амалга оширишда қуйидаги **вазифаларга** таянилади:

- оммавий коммуникация воситаларини жамоатчилик фикрига таъсир этиш хусусиятини кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш;
- манипуляция тушунчасини умумий воқелик ҳамда оммавий онгни шакллантирувчи жараён сифатида таҳлил этиш;
- ОАВда қўлланилаётган манипулятив технологияларни аниқлаш, уларнинг таъсир этиш механизмларини кўриб чиқиш;
- ахборот глобал таъсир этиш воситасига айланган шароитда тафаккур эркинлигининг чекланиши муаммосини ёритиш;
- “Хуррият” ва “АиФ” газеталарида ёритилаётган мавзулар таъсирчанлиги ва омма онгини шакллантиришда уларнинг аҳамияти масалаларини ўрганиш;
- ОАВнинг манипулятив таъсиридан ҳимояланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Россиянинг ижтимоий-сиёсий нашри ҳисобланувчи “Аргументы и факты” ҳамда миллий нашримиз – “Хуррият” газеталари мазкур битирув малакавий ишининг **тадқиқот объекти** бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот предмети хорижий ва маҳаллий ОАВнинг манипуляция қилиш услублари, омма онгига таъсир ўтказиш жараёнлари, уларнинг оқибати ва ижтимоий ҳаётдаги ўрни каби масалаларни қамраб олади.

Ишнинг тадқиқ этилганлик даражаси.

Манипуляция тушунчаси тарихан жуда қадим даврларга бориб тақалади. Дастлаб у психологик омил сифатида юзага келган. Одамларга уларнинг табиий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда таъсир ўтказиш ҳақидаги дастлабки қайдларни милoddан аввалги V асрларда Қадимги Юнонистонда яшаб ўтган римлик нотиклар – Аристотель, Цицерон ва Квинтилиан асарларида учратиш мумкин⁵. Жумладан, софистлар мактаби аъзоси Кораксининг ёзишича, нотикнинг бош мақсади ҳақиқатни ошкор қилиш эмас, нутқни таъсирчан ва ишонарли тарзда ифодалаб беришдан иборат. Н. Макиавелли ўзининг «Ҳукмдор»⁶ асарида омма руҳиятининг ўзига хос жиҳатларига ҳам тўхталиб ўтади. Оломон ва уни бошқариш зарурати ҳақида фикр юритар экан, “одамлар ўзгарувчан феъл-атворга эга. Уларни эътиқодингга оғдириш осон, бироқ, ана шу эътиқодда ушлаб туриш қийин”, дейди у.

Сўнгги йилларда хорижий илмий адабиётлар ичида манипуляцияга доир асарлар жуда кам учраса-да, чоп этиб келиняпти. Уларнинг аксарияти ўтмишдаги ёки яқин тарихдаги сиёсий жараёнларда ҳукумат, давлат институти ва алоҳида сиёсий шахслар ҳамда жамоатчилик ўртасидаги алоқалар таҳлилига бағишлангандир.

Сергей Георгиевич Кара-Мурзанинг “Онг манипуляцияси”, Ричард Харриснинг “Оммавий коммуникациялар психологияси”, С.Зелинскийнинг “Россиядаги оммавий манипуляциялар таҳлили”⁷, Е.Доценконинг “Психологик манипуляция” (1996), Майкл Парентининг “Чиркин ҳақиқатлар”⁸, Э. Шостромнинг “Одам-манипулятор” (1992), А. Цуладзенинг “Сиёсий манипуляция қилиш ёки оломонни бўйсундириш” (1999), В. Рикернинг “Сиёсий манипуляция санъатининг янги кўриниши” (“The art of Political Manipulation New Haven”) (1986), Ю. Ирхиннинг “Психология ва сиёсат” (1993), Г.Шиллернинг “Онг манипуляторлари” (1980), П.

⁵ www.wikipedia.org

⁶ Макиавелли Н. Государь, М.: “Планета”, 1990 г.

⁷ Зелинский С.А. Анализ массовых манипуляций в России. Издательско-Торговый Дом «Скифия», 2008.

⁸ Паренти М. “Грязные истины” – манба: <http://vigilantcitizen.com>

Шампаннинг “Фикрни шакллантириш: янги сиёсий ўйинлар”, И. Власовнинг “Сиёсий манипуляция” (1982) кабиларни бу борадаги асосий илмий манбалар сифатида санаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Омма ва унга психологик таъсир ўтказиш борасидаги илк тадқиқотлар эса Г. Тард, С. Сигле, Г. Лебон, Т. Карлейл, П. Лавров, В. Бехтерев, Х. Ортега-и-Гассет, К. Юнг, Э. Фромм, В. Парето, С. Московичи ва Э. Грасси томонидан олиб борилган.

Охириги йиллар ичида малкатимизда ахборот хавфсизлиги ва мафкуравий таҳдидлардан ҳимояланиш масаласи долзарб аҳамият касб этиб бораётгани туфайли, бу мавзу юзасидан бир қанча илмий рисоалар, қўлланма ва адабиётлар яратилди. Н. Умарованинг “Глобаллашув шароитида ахборот хуружларига қарши кураш”, “Ахборот хавфсизлиги: муаммо ва ечимлар”, Д. Қуроноунинг “Мафкуравий таҳдид ва ёшлар тарбияси”, Х. Очиловнинг “Демократия ниқобидаги таҳдид” асарларида асосий эътибор четдан кириб келаётган ахборотнинг зарарли таъсири ҳамда миллий мафкура тарғиботининг аҳамиятига қаратилган. Умид қиламизки, бу - манипуляция тушунчасини таҳлил этиш ва ўрганиш борасидаги дастлабки қадамлар холос.

Гувоҳ бўлганингиздек, миллий журналистикамизда манипуляция фақат ташқаридан уюштирилаётган ахборот хуружлари сифатида тилга олинади, маҳаллий ОАВда акс этаётган манипуляцион усуллар ҳақида эса (шубҳасиз, бизда ҳам бундай усуллар қўлланилади) илмий рисоалар ёки мақолаларда, афсуски, бирор фикрни учратиш қийин.

Тадқиқот ишининг илмий янгилиги. Ўзбекистонда манипуляция журналистика нуктаи назаридан ҳали тўла тадқиқ этилмаган, янги мавзулардан ҳисобланади. ОАВ орқали қўлланилаётган манипулятив технологиялар ва оммавий коммуникация воситаларининг одамлар дунёқарашини шакллантиришдаги аҳамияти каби масалалар ҳам чуқур ва пухта ўрганилмаган. Онг манипуляцияси юзасидан олиб борилган тадқиқотларнинг аксарияти технологик усуллар, хусусан, телевидение, реклама ва қисман интернет фаолиятини қамраб олади.

Миллий ва хорижий нашларнинг сиёсий, ижтимоий жараёнларни бошқаридаги ўрни, қолаверса, Ўзбекистоннинг «Хуррият» ва Россиянинг «Аргументы и факты» газеталарида манипуляцион усуллари қўллаш амалиёти қай даражада намоён бўлишини ўрганиш миллий журналистикамиз ривожига учун муносиб ҳисса бўлиб қўшилади, деган умиддамиз. Ва бу битирув малакавий иши мавзусининг илмий янгилигини кўрсатади.

Ишнинг методологик асослари. Мазкур ишнинг методологик асослари бўлиб Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ОАВ тўғрисидаги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг асарлари ва нутқлари, шунингдек, онг манипуляцияси ва оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик фикрига таъсир ўтказиши каби ҳолатларни атрофлича ўрганувчи мамлакатимиз ҳамда хориж тадқиқотчиларининг асарлари хизмат қилди.

Ишнинг таркибий тузилиши. Ишнинг долзарблиги, илмий янгилиги, мақсад ва вазифалари унинг тузилишини белгилаб берди. Тадқиқот иши икки бўлим(уларнинг ҳар бири иккитадан параграфга ажратилган), хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. МАНИПУЛЯТИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ БОРАСИДА ЗАМОНАВИЙ ОАВ ИМКОНИЯТЛАРИ

1.1-§. Омма онгини ахборот-психологик таъсирлар ёрдамида бошқариш

Инсоният тараққиётининг дастлабки босқичлариёқ, одамларда бири-бирига таъсир кўрсатиш, ўзининг фикрини атрофдагиларга сингдириш эҳтиёжи вужудга келганини кузатамиз. Жамиятдаги ҳеч бир шахс ёки инсон ўз-ўзича, бошқалар босиб ўтган йўللардан юрмай туриб яшаши мумкин эмас. Мазкур табиий жараёнда кимдир бошқарувчи, кимдир эса бошқарилувчи вазифасини бажаради.

Немис файласуфи, неофрейдизм намоёндаларидан бири Эрих Фромм жамият вакилларнинг ўзаро муносабатларини, одамлар устидан ҳукмролик қилиш ёки аксинча, бировлар измига бўйсунтириш иштиёқини қуйидагича таърифлаган: “...улар бошқаларнинг буйруқларига осонгина итоат қиладилар, гарчи бу ўзларига зарар келтирса-да. Қатъият билан айтилган ҳар қандай ахмоқона фикрга эргашадилар, саркарда айтдими, бас, вайронкорликдан бошқа нарса бўлмаган урушга ҳам отланаверадиладар... Аксарият одамлар, мудраб ётган гўдаклар сингари, уларга дўқ-пўписа қилган ёки айёрлик билан муомалада бўлган ҳар қандай кимсанинг таъсирига осонгина тушиб, беихтиёр ортидан эргашадигандек туюлади. Ўз фикрларида собит турувчи, оломон иродасига қарши бора оладиган инсон, қоида эмас, кўпроқ истисно тарзида учраши мумкин”⁹.

Шахс тафаккури, эътиқоди ҳамда қадриятларига ошкора ёки яширин босим ўтказиш, баландпарвоз сўзлар билан уни муайян ғояга оғдириш турли мақсадларни амалга ошириш учун кенг имконият эшикларини очади.

“Инсоният тарихи қон билан ёзилган. Бу ҳеч қачон тугамайдиган зўравонлик тарихи, чунки одамлар деярли ҳамма замонларда ўзига ўхшаганларни куч ёрдамида бўйсундириб келган. Талъат подшо миллионлаб

⁹ Фромм Э. Духовная сущность человека. Способность к добру и злу. М.: 1988. Стр. 56

арманларни якка ўзи ўлдирган деб ўйлайсизми? Ёки Гитлер, миллионлаб яхудийларни ўзи қирганми? Сталин-чи, у ҳам миллионлаб “душманлар”ини ёлғиз ўзи ўлдирганмикин?”¹⁰. Урушлар инсоннинг ҳукмронликка бўлган интилиши – унинг ожизлиги ва бир вақтнинг ўзида қудрати эканини исботлайди. Омма осонгина манипуляция таъсирига тушиб қолишини ҳам.

Узоқ цивилизацион тараққиёт босқичларида одамнинг фикр юритиш ҳамда хулоса чиқариш усуллари ўзгарди, уларнинг қадриятларни ўлчаш мезонлари ўзгача кўриниш касб этди. Инсонларнинг эркинликка, ўз тақдири учун эгалик қилиш имкониятига бўлган интилиши кучайди. Бу эса ўз навбатида уларни бошқаришнинг янада таъсирчан ва самарали усуллари жорий этишга туртки бўлмоқда. Демократия, фуқаролик жамияти сингари атамалар одамлар онгида чуқур ўрнашиб, жамоатчилик фикри давлат бошқаруви ҳамда ҳукумат идоралари фаолиятида муҳим аҳамият касб этгани сайин, сиёсий элита вакиллари, давлат раҳбарлари уни ўз фойдасига ўзгартириш учун ҳаракат қила бошладилар. Бироқ, интернетга уланиш ва видеокамерадан фойдаланиш имконияти – табиий воқелик бўлган ҳозирги шароитда одамларни ҳайрон қолдириш, нимагадир ишонтириш жуда қийин. Айнан шунинг учун оммавий ахборот воситалари фаолиятида турли хийлалар, манипуляцион усуллари қўллаш тенденцияси кучайиб кетди. Зеро, АҚШнинг етакчи социологлари П. Лазарсфельд ва Р. Мертон айтганидек, “жамиятдаги қараш ва маслакларни назорат қилувчи одамлар жисмоний зўравонлик эмас, оммавий гипноз усулидан кўпроқ фойдалана бошладилар”¹¹.

Манипуляция сиёсий ҳамда коммуникацион технология сифатида ўз мавқеи ва ўрнига эга. Айни пайтда кимнингдир манфаатини ҳимоя қилмайдиган, аудиторияни у ёки бу фаолиятга(ёки фаолиятсизликка) ундамайдиган журналистни топиш жуда қийин. Ахборот олиш ва тарқатиш имкониятлари кенгайган, рақобат кучайган бир шароитда буни табиий ҳол деб қабул қилиш керак. Ахборот сиёсий ҳаётнинг ажралмас бўлагига айланиб

¹⁰ Фромм Э. Духовная сущность человека. Способность к добру и злу. М.: 1988. Стр. 57

¹¹ Кара-Мурза С. Г. Манипуляция сознанием. – М.: “Эксмо”, 2003. Стр. 45

бўлди ва у “давлат фаолиятида бошқарувчилик кучини сезиларли даражада намоён қилади. Бунда ахборот ҳам демократик ҳокимият манбаи, ҳам сиёсий тизим ва жараёнларни бошқариш омили бўлиб майдонга чиқади”¹².

“Хорижий сўзлар луғати”да берилган маълумотга кўра, манипуляция (фр. *Manipulation* — лот. *Manipulatio* — *manipulus*, яъни “ҳовуч, сиқим”) — 1) кўл ҳаракати, у орқали кўзланган мақсадни амалга оширмак; 2) кўзбойламачилик (*фокус кўрсатмак*), кўлнинг фавқулодда эпчиллиги эвазига томошабинлар нигоҳини шамғалат қилмак, бир лаҳза фикрлашдан тўхтатиб қўймак; 3) яширинча фирибгарлик, найранг сингари маъноларни англатади. Оммавий ахборот воситалари фаолиятида қўлланилиши нуктаи назаридан, манипуляцияни одамларни ақлни чалғитувчи, фикрни беқарор ҳолатда ушлаб турувчи куч таъсирига тушириш, дея баҳолаш мумкин.

Аксарият рус олимлари, С. Кара-Мурзанинг манипуляция ҳақидаги қарашларини қўллаб-қувватлаган ҳолда Ғарб, хусусан Америка ОАВни “онгни захарловчи машина”, “руҳий террор воситаси” каби таърифлар билан ёнма-ён қўяди, аудиторияни эса ахборотни пассив қабул қилувчи кишилар уюшмасидан иборат, деб ҳисоблайди:

“Муваффақиятли манипуляциянинг биринчи (эҳтимол асосий) шарти шундаки, кўп ҳолларда фуқароларнинг аксарияти хабарларнинг тўғрилигидан шунчаки шубҳаланиш учун на руҳий ва ақлий қуввати, на вақтини сарфлагиси келади. Чунки, пассив равишда ахборот “оқими” билан бирга “сузиш”, ҳар бир сигнални танқидий нуктаи назардан қабул қилишга қараганда анча осон”¹³. Ахборот хуружлари уюштириш айбини океанорти мамлакатига юклаб қўйиш “амалиёти” миллий мабуотимизда ҳам яққол кўзга ташланади. “... кўп қутбли дунё тобора реаллашиб бормоқда. Лекин Ғарб ўша кўп қутбли дунёни ҳам ўз таъсир доирасидан чиқариб юбормасликни истади ва манфаатларини ўз чегарасидан минглаб чақирим нарида ҳимоя қилиш учун жуғрофий сиёсат юргизади”¹⁴.

¹² Каримов Ф. “Демократия ва миллий ахборот тизими” / “Tafakkur” 2010 йил, 2-сон, 71-б.

¹³ Кара-Мурза С.Г. Манипуляция сознанием. – М.: “Эксмо”, 2003. Стр. 20

¹⁴ Низомов Ф. “Манфаат ва холислик” / “Tafakkur” 2009 йил, 3-сон.

“Маълумки, аксарият Ғарб журналистлари бирёклама танқидга ҳийла ўч бўлади. Шов-шув, сенсация ҳукмрон бўлган муҳитда кимнидир бадном этиш, шаънини ерга уриш, одатий ҳол ўлароқ қабул қилинади. Баъзида эса бунга холислик ва жонкуярликдан кўра ғаразгўйлик майллари кўпроқ аралашади”¹⁵.

Манипулятив технологияларнинг асосий ютуғи шундаки, улар инсон ҳуқуқлари ёки журналистик фаолият билан боғлиқ қонунларнинг ҳеч бирига зид эмас. Фуқароларнинг ахборот олиш, сўз ҳамда фикр эркинлиги барча демократик давлатлар конституциясида, хусусан, Инсон ҳуқуқлари декларациясида ҳам аниқ белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинликлари тўғрисида”ги Қонунида ҳар кимнинг ахборотни излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ва тарқатиш ҳуқуқи давлат ҳимоясида эканлиги таъкидланган. Шунингдек, худди шу қонуннинг 9-моддасида “Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирдан иборат ахборотни беришлари мумкин эмас”¹⁶, дея қайд этилган. Бироқ, ахборотни узатиш жараёнида қайсидир фактга урғу бериб, бошқасини эътиборсиз қолдириш, мазмунан бир-бирига яқин сўзлардан фойдаланиш (Ироққа том маънода бостириб кирган АҚШ ҳарбийлари негадир “жангарилар” ёки “босқинчилар” эмас, “тинчликпарвар кучлар” дея улуғланган бир пайтда, ҳокимиятни ўз қўлида ушлаб қолиш учун курашаётган Муаммар Каддафига нисбатан “мамлакат раҳбари” эмас, балки “полковник” ёки “диктатор” деган таърифлар кўпроқ қўлланилмоқда), оммани у ёки бу ғоянинг тўғрилигига ишонтириш ҳеч бир ҳуқуқий ҳужжат ёки қонунда тақиқлаб қўйилмаган. Кўпгина мутахассислар ушбу масаланинг ечими миллий ОАВ фаолиятига боғлиқ деб ҳисоблайди: “глобал ахборот маконидаги ахборотнинг аксарият қисми ижтимоий онгга, шахс, жамият ва

¹⁵ Ёкубов С. “Ахборот жамияти: ҳаёлот эмас, ҳақиқат”/ “Tafakkur“, 4-сон, 2007 йил

¹⁶ “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинликлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 24.04.1997 й.

давлатга салбий таъсир этувчи – “манфаат ташувчи”, манипулятив ахборот эканлиги билан тавсифланади. Демократия шароитида глобал инфомакон жуғрофий-сиёсий қарама-қаршилик майдонига айланади ва бу вақтда миллий ахборот тизимининг бош вазифаси – шахс, жамият ва давлатни мазкур майдоннинг салбий таъсиридан сақлаш бўлади”¹⁷.

Одамларга таъсир этиш хусусида гапираркан, Италия Коммунистик партиясининг асосчиси ва назариётчиси Антонио Грамши эътиборни кичик гуруҳлар ёки алоҳида шахсга эмас, балки жамоатчилик билан узвий боғлиқ бўлган инсонга қаратиш лозимлигини таъкидлаган¹⁸. Ўтган асрнинг сўнгги йилларида қатор Европа олимлари, жумладан, Г. Лебон ҳам, жамоавий тадбирларда онга таъсир кўрсатиш аҳамиятини алоҳида эътироф этишганди¹⁹. Оммавий ахборот воситаларининг асосий таъсир этиш объекти - алоҳида индивидлар эмас, балки омма бўлгани учун ҳам, дастлаб “омма психологияси”, “жамоавий онг” тушунчаларини кўриб чиқамиз.

Аниқланишича, омма ўзининг таркибидаги инсон қарашлари, хатти-ҳаракатларини сезиларли тарзда ўзгартиради²⁰. Масалан, бир фильмни кинотеатрда - кўпчилик орасида ҳамда уйда - ёлғиз томоша қилсангиз, ҳар икки ҳолатда ундан олган таассуротларигиз икки хил бўлиши аниқ. Биринчи ҳолатда сиз ўзингиз англамаган равишда омма ҳиссиётларини қабул қиласиз, дейлик, ҳамма куляптами, сиз ҳам кулишингиз керак, қабилида.

Г. Лебоннинг таъкидлашича, “омма орасида одамларнинг индивидуал фарқлари, ўзига хосликлари йўқолади”²¹. Бироқ, омма одамларнинг индивидуал руҳиятидан ниманидир “ўғирлаш” билан бирга, уларда янги хусусиятларни ҳам ҳосил қилади. Олим жамоа орасида бўлган индивидда куйидаги ҳолатларни кузатиш мумкинлиги тўғрисида ёзади: анонимлик ва англаманган шахсиятнинг йўқолиши, англаманган шахсият устунлиги, интеллект ва рационал фаолиятнинг сусайиши, таъсир этиш ва бир-бирига

¹⁷ Каримов Ф. “Демократия ва миллий ахборот тизими” / “Tafakkur” 2-сон, 2010 йил

¹⁸ Кара-Мурза С. Г. Манипуляция сознанием. – М.: “Эксмо”, 2003. Стр. 172

¹⁹ Лебон Г. Психология народов и масс – М.: Академический проект, 2011. Стр. 238

²⁰ Ольшанский Д.В. Политическая психология, М.: 2002 г. Стр.65

²¹ Лебон Г. Психология народов и масс – М.: Академический проект, 2011. Стр. 239

“юктириш” ҳисобига фикрлар ва ҳиссиётларнинг бир томонга йўналганлиги, сингдирилган ғояларни дарҳол амалга ошириш тенденцияси ва ҳоказо. Лебоннинг фикрича, жамоа билан қоришиб кетган индивид “ўзлигини йўқотиб, ихтиёри ўз қўлларида бўлмаган автоматга айланади”²².

Омма орасидаги одам жиддий ўзгаришларни бошидан кечиради. “Психологик омманинг энг ғайриоддий хусусиятларидан бири шундаки, унинг таркибидаги индивидлар, уларнинг турмуш тарзи, табиати, интеллектуал салоҳияти қанчалик ўхшаш ёки фарқли бўлишидан қатъи назар, бирлашганда, одатдагидан бутунлай бошқача тарзда ҳис қиладиган, идрок этадиган ва ҳаракат қиладиган жамоавий “вужуд”га айланади”. Бу борада Д. Ольшанскийнинг “индивид ва индивидлардан иборат омма – алоҳида тушунчалардир”²³, деган фикрига қўшилмасликнинг иложи йўқ. Омmani сўроққа тутиш ёки масъулиятга чақириш жуда қийин. Улар орасида ким айбдору, ким айбсизлигини аниқлаш имконияти ҳам йўқ. Жамоага тегишлилик индивидуал жавобгарлик масъулиятдан халос этади. Омма таркибидаги индивид ўзини кўп нарсага қодир чексиз куч эгаси сифатида идрок этиши айнан мана шу “жазосизлик” ҳолати билан изоҳланади.

Замонавий муаллифлар омма орасидаги индивид руҳиятидаги ўзгаришларни бироз бошқачароқ таснифлайди:

1. кўрилаётган ва эшитилаётган ахборотларни ҳиссий қабул қилиш даражасининг ортиши;
2. қабул қилинаётган ахборотни рационал қайта ишлаш қобилиятининг пасайиши;
3. кучли таъсирчанлик ва ўзини танқидий баҳолаш салоҳиятининг сусайиши;
4. хатти-ҳаракатлар учун жавобгарлик ҳиссининг йўқолиши;
5. ўз кучига ишончининг пайдо бўлиши;

²² Ўша манба

²³ Ўша манба

Албатта, турли жамоаларда индивиднинг руҳий ҳолати ҳам турлича ўзгаришини ҳисобга олиш керак. С. Московичи бу борада қуйидаги хулосаларга келади:

- 1) омма - ижтимоий воқеликдир;
- 2) индивидлар омманинг таъсири остида у билан қоришиб, яхли бирликка айланади;
- 3) онгга сингдириш(гипноз) — омма етакчисининг асосий куролидир²⁴.

“Омманинг тафаккури, гарчи теран бўлмаса-да, ўзи яшаётган тузумга хос хусусиятларни акс эттириб боради. Оддий омма ҳар қандай барқарор тузумнинг ҳукмрон мафкурасига хос плюрализмга мойил бўлади. Шу боис, мавжуд тузумга нисбатан оммавий норозиликлар тарихда жуда кам учрайди. Кўпинча бундай норозиликлар ижтимоий идеология (тафаккур) даражасида эмас, балки ижтимоий психология (кайфият, ҳис-ҳаяжон) кўринишида юзага чиқади ва баъзан вазиятга қараб амалда стихияли ғалаёнлар, кўзғолонлар, инқилобий ҳаракатларни кўллаб-қувватлашга айланиб кетиши мумкин. Бироқ бу ҳолатлар тафаккур эркинлигини эмас, аксинча, қарамлигини кўрсатади”²⁵.

Ахборот узатиш тезлиги ҳамда сифатининг ошиши онгга таъсир этишининг янгича усуллари вужудга келтирди. Телевидениенинг пайдо бўлиши эса жамоатчилик фикри устидан назорат ўрнатиш ва оммада маълум стереотипларни ҳосил қилиш амалиётидаги энг катта инқилоблардан бири эди. Шундай қилиб, ОАВ тараққиёти оммани бошқариш учун оломон кўз ўнгида намоёншкорона қатл маросимларини ўтказиш шарт эмаслигини исботлади. Зеро, ТВ орқали узатилган биргина портлаш миллиардлаб одамларни ваҳимага тушириши, уларнинг ҳаётий қарашларини ўзгартириб юбориши ҳам ҳеч гап эмас.

1986 йилнинг январь ойида Америка космик кемаси – “Челленжер” портлашига АҚШнинг 98% аҳолиси тўғридан-тўғри эфир орқали гувоҳ

²⁴ Манба: www.coob.ru/moskovichi_s/

²⁵ Эркаев А. “Тафаккур эркинлиги” / “Tafakkur”, 2005 й., 2-сон, 69-б.

бўлган. Мазкур фожеа мактаб ўқувчиларида қандай таассурот қолдирганини ўрганган тадқиқотчи К. Райт болаларда, айниқса қизларда бахтсиз ҳодиса жуда кучли ҳиссий таъсир уйғотганини аниқлаган эди²⁶. Демак, ҳар қандай ахборот, инсонга таъсир этиб, унда социал-психологик установкани шакллантириши, яъни уни маълум бир фаолиятга ундаши мумкин²⁷. Рухиятдаги мазкур хусусият манипуляторлар учун ўзига хос қулайлик вазифасини ўтайди.

Миф ва стереотипларни шакллантириш орқали, оммавий коммуникация «психологик монополия» ва «маънавий босим ўтказиш» воситасига айланмоқда. Биз — «глобал қишлоқ» аҳолиси эса ОАВ орқали «тиқиштирилаётган» муаммолар гирдобига тушиб қолиб, онгимизнинг манипуляция қилинишига ҳеч қандай қаршилик кўрсата олмаяпмиз. Омма онги қайсидир гуруҳларнинг субъектив нуқтаи назарини ҳимоя қилувчи информацион агрессия ва ахборот урушлари объектига айланиб борапти²⁸. Албатта, бунда оммавий аудиториянинг ўзига хос хусусиятлари муҳим аҳамият касб этади. ОАВ ўзи ахборот узатаётган аудиторияни яхши билиши, уни қандай қилиб жунбушга келтириш, қувонтириш ёки йиғлатиш йўлларида хабардор бўлиши лозим. Исталган ахборотнинг таъсир ўтказиш кучи унинг қайси восита орқали ва қай пайтда узатилаётгани, омманинг хабардорлик даражаси ҳамда маълумотларни қабул қилиш лаёқати, шунингдек, бошқа бир қанча омилларга боғлиқ. Матбуот, радио, телевидение ва интернет орқали узатиладиган ҳар қандай янгилик, хабар ёки маълумот оммага муайян соҳадаги билимларни бериш билан бирга, онда маълум бир ижтимоий стереотиплар, установкалар ҳамда қарашларнинг шаклланишига сабаб бўлади. Мазкур жараёнда яна бир жиҳатни эътиборга олмасликнинг иложи йўқ. Хўш, аудиторияга таъсир ўтказаётган журналистнинг объектив ахборот узатиш борасидаги имкониятлари қандай? Бу масалада аксарият олимларнинг қарашлари муштарак. Ҳар бир ижодкор ўзи яратган асар

²⁶ Харрис Р. Психология массовых коммуникаций, Москва, «ОЛМА-ПРЕСС», 2002. Стр. 44

²⁷ Аршанинов Л. Общие характеристики СМИ. — www.temator.ru.

²⁸ Харрис Р. Психология массовых коммуникаций, Москва, «ОЛМА-ПРЕСС», 2002. Стр. 45

ёрдамида, энг аввало, оммада янгича қарашларни вужудга келтириш ёки аввалги тушунчалар ва стереотипларга таъсир этиш мақсадини кўзлайди. Бироқ, тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, аудиторияга маълум манфаатлар юзасидан босим ўтказувчи шахс, яъни журналистнинг ўзи, кўп ҳолларда мана шу манфаатлар қурбонига айланиб қолар экан. АҚШда ўтказилган 1999 йилги тажрибалар натижасида аудиторияни методик зомбилаштирувчи²⁹ етакчи публицистларнинг ўзида ҳам зомбиларга хос аломатлар пайдо бўлиши аниқланди³⁰.

“...бугун ахборот технологиялари орқали бошқа бир мамлакатдаги ҳаққоний вазиятни онгли равишда бузиб кўрсатиш, у ердаги сиёсий раҳбарият ва фуқаролар кайфиятига мақсадли таъсир қилиш амалиёти борган сари кенг қўлам касб этмоқда.

Ҳатто «энг объектив» дея тан олинадиган дунёнинг етакчи оммавий ахборот воситалари ҳам, аксарият ҳолларда миллий манфаатлар ёки ҳомий ташкилот манфаатлари томонга ён босиши барчамизга яхши маълум. Мисолни узоқдан излаш шарт эмас. 2010 йилда Қирғизистон жанубида содир бўлган воқеаларни олайлик. Қизиқ, нима учун Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ўша пайтдаги умумий ҳолатни ёритиш ўрнига, қандайдир мавҳум оҳангда «учинчи кучлар» номини тилга олиш ҳамда асосий урғуни «қирғизлар ва ўзбеклар қон-қардош миллат экани, азал-азалдан аҳил-инок ҳаёт кечириб келаётгани»га қаратиш билан чекланди? Чунки Ўзбекистондаги, айтишимиз мумкинки, ҳатто Ўрта Осиёдаги тинчликни сақлаб қолишнинг ягона йўли ҳам шу эди-да. Эътиборли жиҳати шундаки, худди ўша пайтда Россия телевидениеси орқали чегарадан ўта олмаётган қирғизистонлик ўзбеклар, қурол кўтарган жангарилар, ёрдам сўраб “илтижо қилаётган” муваққат ҳукумат раҳбари Роза Отунбаева ҳамда Қирғизистонга озиқ-овқат олиб кетаётган Россия самолётлари тинимсиз равишда намоёниш

²⁹ Изох: Зомби – тарғибот ёрдамида фикрсиз, шафқатсиз, манипуляторнинг ҳамма буйруқларини автоматик тарзда бажарувчи мавжудотга айлантирилган одам.

³⁰ “Mind Control Theories and Techniques used by Mass Media” – манба: <http://vigilantcitizen.com/?p=3571>

этиб турилди. Нега? Мақсад - одамларда ваҳима уйғотиш, уларни «қара, сен канчалар ожизсан, мамлакатинг эса, ўз фуқароларини ҳимоя қилиш учун ҳеч қандай чора кўраётгани йўқ», қабилида фикрлашга ундаш ва «қахрамон» сифатида Россияни кўрсатиш эмасмиди? Мана шундай қалтис вазиятларда манипулятор омманинг руҳий ҳолатидан фойдаланиб, уни ўз манфаатлари йўлида осонгина бошқариш имкониятига эга бўлади. Зеро, “манипуляция – зўравонлик эмас, у инсонда бирор нарсага ҳавас туғдирувчи васваса, уни йўлдан оздириш усулидир”³¹.

“Тегишли гуруҳлар томонидан “объективлаштирилган” фикрларга таяниш амалиёти ҳам азал-азалдан мавжуд. Жумладан, россиялик олим И. Звягельская ислом ҳаракати Марказий Осиёда таъсирли кучга айланиши мумкин, деб таъкидласа, профессор А. Малашенко ислом хавфи ҳаддан зиёд кўпиртирилаётир, айниқса турли маконларда фаолият юритувчи уюшган ҳаракат сифатида қарайдиган бўлсак, унинг ташкилий бир марказдан бошқарилишини, албатта ҳисобга олиш лозим бўлади, бундай марказ эса ҳозирча йўқ, дея уқтиради. Бир-бирига зид бу икки фикр миллионлаб одамларнинг онги, психологияси, мўлжаллари ва мақсадига мутлақо тесқари таъсир қилиши мумкин”³².

Муваффақиятли манипуляцияга эришиш учун аудиториядаги диққат интенсивлиги ва мувозанати каби омилларни инобатга олмоқ зарур. Улар инсонларнинг ёши, касби, малакаси ҳамда ақлий тайёргарлигига боғлиқ. Шунингдек, манипуляторнинг техник базаси ҳам ўта муҳим. Масалан, бир вақтнинг ўзида мусиқа, матн ва ҳаракатдаги визуал тасвирларни узатиш орқали телевидение юқори даражадаги таъсир кучига эга бўлади. Унда томошабин диққатини жамлаш, тарқатиб юбориш ва бир объектдан бошқасига олиб ўтиш имконияти мавжуд.³³ “Шундай замон келадики, — дейди Чикаго университети ректори, - телевидение туфайли одамлар ўқишни

³¹ Умарова Н. Ахборот хавфсизлиги: муаммо ва ечимлар. Т.: “Академия”, 2008, 26-б.

³² Мирносиров М. “Глобал таъсир воситаси” / “Tafakkur”, 2-сон, 2004

³³ Доценко Е. Л. Психология манипуляции. Феномены, механизмы, защита. - М., 1996, стр. 56

ҳам ёзишни ҳам билмайдиган бўладилар ва инсонийликдан бутунлай йироқлашиб кетадилар»³⁴.

Одамларнинг руҳий-эмоционал хусусиятлари ҳамда ақлий қобилиятларини инобатга олган ҳолда, С. Кара-Мурза оммага таъсир этишда тасаввур, диққат, хотира, мантикий тафаккур ва ҳис-туйғулар каби аспектларнинг муҳим эканини таъкидласа, Р. Харрис ахборотнинг таъсирчанлиги алоҳида шахсларнинг ижтимоий мақоми, диний эътиқоди, маданий қарашлари, жинси, ёши ва ҳатто ўша пайтдаги руҳий ҳолатига боғлиқ деб ҳисоблайди. Олимнинг фикрича, “оммавий аудитория маънавий маҳсулотларни тўғридан-тўғри истеъмол қилувчи пассив оломондан эмас, аввало индивидлар ва шахслардан ташкил топади. Ҳар қандай одам, унинг онгига кириб бораётган ахборотни шахсий дунёқараши, ижтимоий ҳолати, маданий савияси, диний қарашлари, ёши ва жинсидан келиб чиққан ҳолда филтрлайди ва баҳолайди.

Масс-медиянинг мислсиз қудрати, жамоавий онгни «психологик дастурлаш», ахборий ва коммуникацион манипуляция борасидаги чексиз имкониятлари ҳақида гапирар эканмиз, шуни ёдда тутиш керакки, масс-медиа — бор-йўғи коммуникация воситаси. Инсонлар олинган ахборотни механик тарзда қайта ишлаш билан чекланиб қолмасдан, маълумотларни муҳимлик даражасига қараб саралайди, уларни қабул қилиш ёки қилмаслик юзасидан мустақил хулоса чиқаради»³⁵.

Оммавий коммуникация воситаларининг кенг қамровли фаолияти онгга таъсир этиш орқали амалга оширилади. Бироқ, бу билан ОАВ – манипуляцион ускуна деган хулосага келиш нотўғри. Ҳар қандай ахборот инсон онгига етиб боргач, унга озми-кўпми таъсир кўрсатади. Гоҳида ҳатто куруқ фактларнинг ўзи ҳам кишилар тасаввурини ўзгартиришга хизмат қилади.

“АиФ” газетасида эълон қилинган оддийгина хабарни олайлик. “Ғазо ҳукумати эркакларнинг аёллар гўзаллик салонларида ишлашини тақиқлаб

³⁴ Ученова В. Беседы о журналистике, М.: Молодая гвардия, 1985. Стр. 34

³⁵ Харрис Р. Психология массовых коммуникаций, Москва, «ОЛМА-ПРЕСС», 2002. Стр. 45

қўйди. Бўйсунмаганлар судланиши ёки қамоқ жазосига мажбур қилиниши мумкин. Бу чора билан ХАМАС бир ярим миллион киши истиқомат қилувчи шаҳар ҳаётига исломий ақидаларни жорий этишни давом эттирмоқда”³⁶. Ислом динига эътиқод қилмайдиган аҳолида мазкур ахборот қандай таассурот қолдириши ҳақида ортиқча изоҳ шарт эмас. Унинг замирида “ислом дини инсон ҳуқуқларига зид қоидалар асосига қурилган”, деган қараш яширин. Манипуляциянинг моҳияти ҳам шунда. У юзада турган, ошкора ғоялар тарғиботи билан шуғулланмайди, балки бирор мақсадни амалга оширишда “коса тагидаги нимкоса” усулидан фойдаланади.

Мақсадлари нуқтаи назардан, манипуляцияни қуйидаги йўналишларга ажратиш мумкин:

1. Тижорий мақсадларни кўзда тутган манипуляция;
2. Давлатнинг ички сиёсати (уни қўллаб-қувватлаш ёки қоралаш) билан боғлиқ манипуляция;
3. Бошқа давлатлар устидан сиёсий ҳукмронлик ўрнатиш йўлидаги манипуляция.

ОАВнинг айна пайтдаги фаолияти асосан шу уч турдаги манфаатлар ҳимоясидан иборат, десак, хато бўлмас. Албатта, булар орасида энг кўп тарқалгани – тижорий манипуляция бўлиб, жамоатчиликка таъсир этишда, унинг асосий қуроли — телевидениедир. “Тижорий ва сиёсий характердаги ахборот истеъмолчига аксарият ҳолларда “бепул” тақдим этилади, чунки уни тайёрлаш ва аудиторияга етказиб бериш жараёни “буюртмачи”лар ҳисобидан амалга оширилади. Истеъмолчи эса биров кейинроқ, реклама қилинаётган товарни харид қилиш ёки таклиф этилаётган ғояларни ҳаётда қўллаш орқали “товон” тўлайди”³⁷.

Тижорий манипуляциянинг типик намунаси — реклама ҳисобланади. Социолог Герберт Франке «Бошқарилаётган одам» (1964) асарида, ахборотнинг ушбу турига қуйидагича таъриф берган: “Манипуляция деганда, аксарият ҳолларда, яширин тарзда олиб бориладиган ва табиийки, ўз

³⁶ “АиФ” №10, 2010 йил, февраль

³⁷ Манба: <http://www.33333.ru/public/manipula.php?st=2>

«қурбонлари»га зиён келтирадиган руҳий таъсир тушунилади. Реклама бундай таъсирнинг энг содда кўринишидир”.

“Реклама, — дейилади Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида”ги қонунида, — бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида юридик ёки жисмоний шахслар, маҳсулот, шу жумладан, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва технологиялар тўғрисида ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай воситалар ёрдамида қонун ҳужжатларига мувофиқ тарқатиладиган махсус ахборотдир”³⁸.

Айрим ҳолларда реклама истеъмолчилар учун умуман кераксиз маҳсулотларни таклиф этади ва уларни сотиб олишга ундайди. Психолог Жон Жоунснинг аниқлашича, қайсидир савдо белгиси остида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот рекламасини ўрта ҳисобда, етти кун томоша қилиш айнан шу номдаги маҳсулот харидоргирлиги даражасини 6—8 фоизга ошираётган экан.

Хулоса қилиб айтганда, оммавий коммуникация турли усуллар билан жамоавий онгни назоратда ушлаб туришга хизмат қилади ва унинг бу вазифаси бугун пайдо бўлгани йўқ. ОАВ аввалданок онга йўналтирилган масқадли таъсир этиш воситаси эди. Бугунга келиб, таъсир этишнинг янгича технологиялари, усуллари пайдо бўляпти холос. ОАВ мажбурлаш, босим ўтказиш эмас, айнан оғдириш, эътиборни жалб қилиш, руҳий-эмоционал таъсир ўтказиш усулларида фойдаланмоқда. Жумладан, оммани руҳий босим остида ушлаб туриш, даҳшатга солиш, ишонтириш, фактларни бир томонлама ёритиш, “бузиб” кўрсатиш, фикрни бир ахборотдан бошқасига чалғитиш, кераксиз маълумотларни бериш, кўнгилочар, эмоционал таъсири жуда юқори бўлган дастурларни узатиш ва бошқалар.

С. Кара-Мурза шундай ёзади: “биз газеталар ва телевидениесиз яшай олмаймиз, лекин бу воситалар ноадекват кўркувни вужудга келтиришда террористларга кўмак бериши ёки аксинча, “антитеррорист” вазифасини

³⁸ “Реклама тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 25.12.1998 й., N 723-I

ўташи ҳам мумкин”³⁹. Тўғри, оммавий ахборот воситалари бугунги кунда одамларга янги ва тезкор маълумот бериши мумкин бўлган ягона манба ҳисобланади. Улар, маълум маънода дунёқарашимизни кенгайтиришга, атрофдаги воқеалардан хабардор бўлиб боришимизга хизмат қилади. Бироқ, журналистлар бизга ошкор қилаётган “ҳақиқат”нинг ортида яна шундай бир кичик “ҳақиқат”лар борки, оддий томошабин ёки ўқувчига улар ҳақида ҳеч қачон айтилмайди.

Оммавий коммуникация – ҳукумат ва фуқаролар орасидаги кўприк. Бироқ, бу кўприк орқали қандай ахборотлар “ташиб ўтилиши”ни кўп ҳолларда “юқоридагилар” назорат қилади.

Н. Жўраев таъкидлаганидек, оммавий ахборот воситалари бугунги мураккаб вазиятда ижтимоий ҳаёт ва тарихий жараён моҳиятини ҳар доим ҳам тўғри талқин этаётгани йўқ. Бу борада, айниқса, “сарик матбуот” деб аталадиган хусусий нашрлар алоҳида мавқега интиломқда. Майда, ғийбатнамо хабарлар тарқатиш, одамларни фикрлашдан мушоҳада юритишдан тўхтатиб улар онгини енгил-елпи маълумотлар билан банд этиш жараёни тобора чуқурлашиб бормоқда⁴⁰. Юқорида айтиб ўтганимиздек, оммавий коммуникация – бор-йўғи бир восита, унинг ўзи ҳам бир ижрочи холос. Агар жамиятни автомобильга қиёслайдиган бўлсак, ОАВ — унинг рули. Ҳайдовчи эса, давлат раҳбарлари, акциядорлар, муассислар ҳамда корпорация эгалари. Хўш энди айтинг-чи, агар тормоз босилган бўлса, рулни ўнгга ёки чапга буришдан фойда борми?

1.2-§. Ахборотлашган жамиятда тафаккур эркинлиги масаласи

Тафаккур эркинлиги мавжуд эркинликларнинг энг дахлсизи, десак муболаға бўлмайди. Негаки, инсонга бирор гапни айтиш ёки айтмасликни буюриш мумкин, лекин унинг фикрларини, ҳаёлларини ҳеч ким назорат қила олмайди. Халқаро ҳужжатлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг фикр юритиш эркинлиги алоҳида модда

³⁹ Кара-Мурза С. Г. Манипуляция сознанием. – М.: “Эксмо”, 2003. Стр. 226

⁴⁰ Жўраев Н. “Жавобсиз саволлар изтиробини” / “Tafakkur”, 3-сон, 2006 йил

билан белгилаб қўйилган⁴¹. Бу эса тафаккур эркинлигининг инсоният ҳаётидаги улкан аҳамиятини амалда исботлайди.

А. Эркаевнинг фикрича, “инсон тафаккури эркинлигини белгилайдиган ҳар бир тарихий даврнинг ўлчов ва мезонлари бор. Табиийки, улар ривожланиб, ўзгариб туради”⁴².

Аксарият файласуфлар, жумладан Гегель ҳам эркинликни бевосита онг эркинлиги тушунчаси билан боғлайди. Файласуф таъбири билан айтганда, инсон фикрлаш қобилиятидан маҳрум экан, у эркин бўлиши мумкин эмас. “Эстетика” асарида у юнонларнинг фикрлаш тарзи хусусида шундай дейди: “Эркинликнинг фақат биргина шакли – ақл йўналиши мавжуд. Бу заруратни англаган юнонлар ортиқча эҳтиросга берилмайди”⁴³. Дарҳақиқат, тафаккур эркинлиги шахснинг шахс эканини кўрсатиб турувчи энг асосий омилдир. Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, тафаккур озод бўлмаса онг ва шуур тазйикдан, қулликдан қутулмаса, инсон тўла озод бўлолмайди⁴⁴.

Вольтернинг фикрича, эркинлик – ҳаракат қилиш имкониятидир. Агар тош, ўз хоҳиши билан ҳаракатлана олганда, у эркин бўларди. Инсонлар ва ҳайвонларда бу имконият мавжуд, демак, улар эркиндирлар. Бироқ, масаланинг ечими биз ўйлагандек оддий эмас. Шахснинг нима ҳақида ўйлаши, кўп ҳолларда, унга “нима ҳақда айтишлари”га боғлиқ. Гап шундаки, “индивид фақат ўзи муайян тасаввурга эга бўлган нарсалар тўғрисидагина ўйлаши мумкин. Агар инсон опера нима эканини билмаганида эди, унда ҳеч қачон операга бориш истаги ҳам бўлмасди”⁴⁵.

Инсоннинг “опера ҳақидаги” тасаввурлари ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди, балки унинг шахсий тажрибаси ёхуд моддий ва маънавий ахборот

⁴¹ Илоҳ: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида “Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлигига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундай мустаснодир.

Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин” дея белгилаб қўйилган.

⁴² Эркаев А. “Тафаккур эркинлиги” / “Tafakkur”, 2-сон, 2005

⁴³ Гегель Г. Эстетика, в четырёх томах, т.4. Стр. 249

⁴⁴ Каримов И. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.: “Ўзбекистон”, 1996, 34-б.

⁴⁵ “Мир философии”, часть II, М.: Изд. политической литературы, 1991 г. Стр. 184

манбалари ёрдамида шаклланиб боради. Аммо, бу икки восита борлиқ тўғрисида икки хил тушунчани юзага келтириши табиий. Операга бориб, уни томоша қилиш билан, қўшни аёлнинг опера ҳақидаги ҳикоясини тинглаш – бошқа-бошқа нарсалар. Қўшни аёл ўзи илғаган, қизиқ деб ҳисоблаган, сизга айтишни лозим топган жиҳатлар ҳақидагина гапирди. Агар томоша унда яхши тассурот қолдирмаган бўлса, унинг ҳикоясидан кейин, сизда ҳам операга нисбатан салбий қарашлар юзага келиши табиий. Оммавий ахборот воситаларини, улар бераётган ахборот объективлиги нуқтаи назаридан, “қўшни аёл”га қиёслашимиз мумкин. ОАВ шахсга маълум қолип ва стереотиплар асосида шаклланган ахборотни тақдим этади ва унинг тўғрилигига ишонтиради.

Тушундикки, тафаккур эркинлиги деганда, шахснинг муайян танловни амалга оширишдаги эркинлиги, мустақил қарор қабул қилиш ҳамда хулоса чиқариш лаёқати назарда тутилади. Бироқ, ахборотлашган жамият шароитида нафақат юксак технологик усуллар ёрдамида ахборот олиш имконияти пайдо бўлади, балки, инсонларнинг фикрлаш тарзида, маълумотларга танқидий ёндашиш қобилиятида ҳам маълум ўзгаришлар вужудга келади.

Қуйида ахборотнинг глобал аҳамиятга эга бўлган куч сифатида намоён бўлиши ҳамда мазкур жараённинг тафаккур эркинлигида қандай акс этиши масаласи хусусида фикр юритамиз.

Википедия электрон энциклопедиясида “ахборот жамияти” тушунчасига постиндустриал жамиятнинг назарий концепцияси, дея таъриф берилади. Цивилизацион ривожланишнинг мазкур кўринишида асосий ишлаб чиқариш маҳсулотларини ахборот ва билим ташкил этади. Унинг ўзига хос жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- жамият ҳаётида ахборот, билим ва информацион технологиялар нуфузининг ошиши;

- информацион технологиялар, коммуникациялар ҳамда ахборот билан боғлиқ маҳсулот ва хизматлар соҳасида иш олиб боровчи одамлар сонининг ортиши;
- жамиятни телефония, радио, телевидение, Интернет тармоғи, шунингдек анъанавий ҳамда электрон ОАВ ёрдамида ахборотлаштириш;
- инсонларга фаол ахборот алмашиш, жаҳон ахборот ресурсларидан эркин фойдаланиш, ахборот маҳсулотлари ва хизматлари билан боғлиқ эҳтиёжларни қондириш имкониятини яратиб берувчи глобал информацион маконнинг яратилиши.

“Ахборот жамияти” атамаси Токио технологик университети профессори Ю. Хаяши тадқиқотлари билан боғлиқ деб қаралади. 1969 йилда Япония ҳукуматига “Япон ахборот жамияти: мавзу ва ёндошувлар”, “Япония жамиятини ахборотлаштириш сиёсати” мавзуларида ҳисоботлар тақдим этилган. 1992 йилдан бошлаб, бу атама Ғарб мамлакатларида ҳам кенг истеъмолга кирди. 2006 йилнинг 27 март санасида БМТ бош ассамблеяси томонидан 17 майни “Халқаро ахборот жамияти куни” деб эълон қилиш тўғрисида резолюция қабул қилинди⁴⁶.

Бир сўз билан айтганда, ахборотлашган жамият - аввало инсонларнинг ахборот ресурсларидан эркин фойдаланиш ҳамда қисқа муддатларда катта миқдордаги маълумотларни ўзаро алмашиш имкониятидир. Муаммо шундаки, бундай шароитда, технологиялари жиҳатидан устунроқ давлатлар эндигина ривожланиш йўлига ўтаётган давлатлар устидан осонгина “ахборот назорати”ни ўрнатиши мумкин:

“Ахборот жамиятида эркин ахборот оқими тамойили амал қилади: давлат чегараларидан қатъи назар ахборотнинг дунё миқёсида тўсиқларсиз тарқатилишига эришилади. Бунини бир қарашда демократик тамойиллар асосида қарор топган ҳол сифатида ижобий баҳолаш мумкин. Бироқ, шунини ҳам унутмаслик керакки, иқтисодий имкониятлар бир хил бўлмаган

⁴⁶ Манба: www.wikipedia.org

шароитда, табиий равишда кучлар тенгсизлиги юзага келади. Тараққий этган дунёдан ривожланаётган давлатларга келаётган ахборот оқими уларнинг мафкуравий таъсир остида қолиш хавфини кучайтиради. Соддароқ айтганда, тараққий этган давлатлар ўз ахборот воситалари орқали ривожланаётган мамлакатларни бошқаради”⁴⁷.

Мазкур вазиятда миллий ОАВ “манипуляцияга қарши манипуляция” тамойилини қўллаши мақсадга мувофиқдир. Юртбошимиз бу масалага жуда кўп марта тўхталиб, шуни эътироф этадики, “...матбуот, ахборот воситалари демократик ривожланиш учун улкан аҳамиятга эга. Оммавий ахборот воситалари мансабдорларнинг тўрачилиги, коррупция, мустабидлик ва боқимадалик психологияси йўлида мустаҳкам ғов бўлиб, қонунчилик меъёрларини рўёбга чиқариш, ислохотларнинг бориши ва инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат қилишнинг таъсирчан воситаси бўлиб қолиши зарур”⁴⁸.

Агар маҳаллий ОАВ ўз вақтида аудиториянинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондира олмаса, турган гапки, ташқаридан уюштирилаётган ахборот хуружларига кенг йўл очиб берилган бўлади. Зеро, “Оммавий ахборот воситалари ташқаридан бошқариладиган миллат — миллат эмас”⁴⁹.

С. Кара-Мурзанинг айтишича, телевидение АҚШнинг бошқа давлатлар ахборот майдонига кириб бориши ва жамоавий онгни ўз манфаатлари йўлида бошқариши йўлида асосий “ёрдамчи” вазифасини бажаради⁵⁰. Голливуд фильмлари, ток-шоу ва сериаллар, қолаверса, ВВС янгиликлари фақат бир мақсад — АҚШ манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Сиёсат арбоби Жон Фостер Даллес, ўз вақтида “Агар ташқи сиёсатнинг фақатгина бир йўлини танлаш лозим бўлса, мен эркин ахборот оқими тамойилини танлаган бўлардим”, деб айтганди. АҚШ сиёсатчиларининг “демократия”, “эркин фуқаролик жамияти” ҳамда “сўз

⁴⁷ Ёкубов С. “Ахборот жамияти: ҳаёлот эмас, ҳақиқат” / “Tafakkur”, 4-сон, 2007 йил

⁴⁸ Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари.-Т.: Ўзбекистон, 1996., 30-31-б.

⁴⁹ Кара-Мурза С. Г. Манипуляция сознанием. — М.: “Эксмо”, 2003. Стр. 172

⁵⁰ Ўша манба

эркинлиги” каби тушунчаларни юксак минбарлардан туриб ҳимоя қилиши — кўп ҳисобдан Ж. Даллес тавсия этган тамойилни ҳаётга татбиқ этиш йўлидаги найранг бўлса, ажабмас. Ахборотни қабул қилиш, қайта яратиш ва узатиш бобида юксак технологик имкониятларга эга бўлган давлатлар нафақат сиёсий мақсадларда, балки ижтимоий, иқтисодий манфаатлар йўлида ҳам оммавий ахборот воситалари таъсиридан фойдаланади.

Юқоридаги гапимиз исботини “Викиликс” (“Wikileaks”) махфий ахборотлар манбаси ёрдамида “дунёни ўзгартирмоқчи” бўлган австралиялик журналист Жулиан Ассанж мисолида кўриш мумкин⁵¹. У АҚШ дипломатларининг махфий ёзишмаларини оммага эълон қилиш орқали кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Мана шу фактнинг ўзи ҳам жамоатчилик кутилмаган янгиликларни катта “иштаҳа” билан кутиб олиши ҳамда осонгина уларнинг таъсирига тушиб қолишини кўрсатади. “Викиликс”да ёзилишича, АҚШ дипломатлари, давлат департаменти ҳамда шарҳловчилар араб дунёсида мутлақ диктатура ўрнатилгани ҳақидаги хулосага келган. Тахминларга кўра, айнан шу факт Яқин Шарқдаги - дастлаб Тунис ва Миср кейинчалик эса Ливия, Яман ва Суриядаги норозилик ҳаракатларига сабаб бўлган⁵². Ливия Президенти Муаммар Каддафийни ҳокимиятдан четлатиш учун бораётган кураш ҳамда Ироқдаги Саддам Ҳусайн режимининг тугатилиши Россия ОАВ томонидан ўзаро ўхшаш, “бир сценарий асосига қурилган” воқеалар сифатида талқин этилмоқда. “Частный корреспондент” газетасининг 2010 йил, 24 декабрь сонидида эълон қилинган мақолада эса, “Викиликс” манбасидаги ахборотларнинг ҳеч бири АҚШ манфаатларига зид эмас, Жулиан Ассанж билан боғлиқ шов-шувлар омма онгини чалғитиш учун ўйлаб топилган навбатдаги найранг, дея баҳоланади⁵³.

⁵¹ Кэмерон Д. “Овод в Сети. Ассанж доказал главное: все эти разговоры о создании западными лидерами гражданского общества – демагогия”, 18.12.2010
Манба: <http://www.centrasia.ru/newsA.php?st=1292532720>

⁵² Шихман Б. "Rebellion", 16/12/2010, Источник : ИноСМИ

⁵³ Храмчихин А. “Ещё раз про чики-вики”//“Частный корреспондент”, 24 декабрь, 2010 йил

Ўтган асрнинг 80-йилларидаёқ америкалик социолог Э. Тоффлер ахборотнинг инсон онги ва тафаккурига таъсири юзасидан тадқиқотлар олиб борган ҳамда меъёридан ортиқ ахборот қабул қилиш, баъзан салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин, деган хулосага келган. Унинг “Келажак қаршисидаги ҳавотир” (“Шок будущего”) асарида ёзилишича, инсон асаб тизими ҳар сонияда ўттиз мингга яқин символни қабул қилиши мумкин. Лекин биз таҳлил қилишга қодир бўлган информация белгиланган чегарадан ошиб кетмаслиги лозим. Кузатишлардан аён бўлмоқдаки, сўнгги йилларда дунёда кечаётган жараёнлар тезлиги инсоннинг асаб тизими имкониятлари билан мос келмаяпти. Тезкорлик билан алмашаётган воқеа-ҳодисаларни илғаб олишга улгурмаётган онгимиз, уларни шунчаки инкор этиш билан ҳимояланмоқда⁵⁴.

Тоффлернинг фикрича, биз ён-атрофимиздаги воқеалардан фақат ОАВ орқали хабар топамиз ва борлиқ ҳақидаги билимларимиз радио, телевидение, газета ва журналлар тарқатаётган ахборот асосида шаклланади. “Бироқ, атрофдаги сигналлар янги, тартибсиз ва кутилмаган бўлса, тасаввуримиздаги образлар ўз аниқлигини йўйотади. Натижада, хотирамизда маълум бир бўшлиқлар вужудга келиши, реалликни асл ҳолидан бутунлай бошқача тарзда тасаввур қила бошлашимиз ҳеч гап эмас”⁵⁵.

Кара-Мурза унинг фикрларини давом эттириб, бор ахборотни фақат оммавий коммуникация воситаларидан оладиган инсонларни реал оламни ҳаёлот дунёсидан ажрата олмайдиганлар – аутизм касаллигига чалинган беморларга ўхшатади. Мичиган Университетининг руҳий саломатликни ўрганиш Институтининг директори, доктор Жеймс Ж. Миллернинг таъкидлашича, инсонга у қабул қила оладиганидан кўра кўпроқ ахборот узатиш миядаги «тормозланиш»га олиб келади⁵⁶. Руҳий касалликларнинг аксарияти инфорацион «босим» туфайли пайдо бўлиши мумкин, дея тахмин қилади у.

⁵⁴ Тоффлер Э. Футурошок, М.: “Издательство АСТ”, 2002, стр. 45

⁵⁵ Ўша манба, 47-б.

⁵⁶ Ўша манба

Ташқи муҳитнинг бизга жуда кучли таъсир кўрсатиши ҳеч ким учун янгилик эмас. Атрофдаги сигналлар — товуш тўлқинлари, ёруғлик ва ҳ.к. — бизнинг ҳиссиётларимизга сингиб боради ва қачондир қабул қилган сигналларимиз орқали бизда дунё ҳақидаги яхлит тасаввур ҳосил бўлади. Бу хусусда Ларошфуко шундай мулоҳаза юритади: “Кўпинча инсон ўзини бошқараётгандек туюлади, аслида эса уни бошқа нарса идора қилади, ақлан у бир мақсад сари интилса, қалби уни бошқасига етаклайди”⁵⁷.

Э. Тоффлернинг қайд этишича, онгга йўналтирилган сигналлар кодланган ва кодланмаган турларга ажратилади. Масалан, кўчада кетаётган одам, пиёдалар йўлаги узра шамолда учиб бораётган баргни кўриб қолса, у воқеликни сезги аъзолари орқали идрок этади: баргнинг шитирлашини эшитади, ҳаракат ва ёруғликни кўради, шамол эсаётганини ҳис қилади. Мана шу ҳиссиётлар унга бўлаётган воқеани тушунишга ёрдам беради. Бу хабар табиий жараёнлар воситасида етказилади ва уни кодланмаган ахборот турига киритиш мумкин. Худди шу йўсинда, ён-атрофимиздаги кодланган хабарлар ҳам онгимизга сингиб боради. Мазмун-моҳияти ижтимоий келишилган асосда қабул қилинадиган хабарлар – кодланган ҳисобланади. Барча тиллар — улар жест, дўмбира садолари ёки рақс ҳаракатлари, иероглиф, пиктограмма ёки тартиб билан жойлаштирилган ип тугунлари бўлишидан қатъи назар, кодланган ахборотга мисол бўлади.

«Бугунги жараёнларни кузатарканмиз, ишонч билан айтиш мумкинки, ахборотлар орасида кодланмаганларидан кўра, кодланганлари минг чандон кўпроқ. Биз — индустриал жамият вакиллари, бир-биримиз билан мулоқот қилишдан ҳам кўра, кўпроқ техник ускуналар билан мулоқот қиляпмиз. Тасаввуримиздаги образлар шахсий кузатишларимиз эмас, тайёр, сунъий ахборотлар ёрдамида шакллананаётир»⁵⁸. Ахборот ишлаб чиқариш борасидаги жадаллик, Э. Тоффлернинг фикрича, саноат инқилобининг мевасидир:

⁵⁷ Саидов У. “Маърифатчилик: тафаккур ва эркинлик уйғунлиги”/”Tafakkur”, 1-сон, 2010 йил

⁵⁸ Тоффлер Э. Футурошок, М.: “Издательство АСТ”, 2002, стр. 45

«Саноат инқилоби оддий инсонга меъёридан кўпроқ ахборотни тақдим этмоқда. Газета матни ёки фильмдан олинган диалог пухта таҳрир қилинган, уларда такрорий фикрлар эмас, балки таъсирчан, грамматик жиҳатдан тўғри тузилган, аниқ жумлалар акс этади. Редактор, ёзувчи ва режиссер — буларнинг барчаси таъсирчан ҳамда эсда қоларли ахборот яратиш йўлида заҳмат чекишади»⁵⁹.

Авваллари, қишлоқ шароитида деҳқончилик билан шуғулланувчи оддий инсон асосий янгиликлардан маҳалла-гузарларга чиққанида, дўстлари билан суҳбатлашган вақтда хабар топарди. Ёки бўлмаса, ҳафтада бир марта радио орқали бирор қизиқарлироқ хабар эшитиб қолса, яна бир ҳафта мобайнида ўша хабарни бутун қишлоққа тарқатиб чиқиши мумкин эди. Мазкур ҳолатни бугунги, ахборот жадаллашиб бораётган замон билан солиштирайлик. Ҳар соат бошида ОАВ орқали янги маълумотлар бериб борилади. Янгиликлар ҳам шунчаки янгилик эмас, балки мутахассислар томонидан таҳлил қилинган, қайта ишланган, филтрланган сўзлар, жумлалар мажмуидан иборат. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ахборот жамиятида яшаётган инсон ҳар куни редактор таҳриридан ўтган мингга яқин сўзни ўқийди. Бу эса унинг тақдирида шахсий қарашлари эмас, балки ОАВ ёрдамида сингдирилаётган ғоялар, фикрлар устунроқ эканини билдиради. Пухта ёзилган сценарий асосидаги спектакллар, теледастурлар, фильмларни томоша қилиш, мусиқа ҳамда тез-тез такрорланиб турувчи шиорларни эшитиш онгни беқарор, муаллақ бир ҳолатга тушириб қўяди ва бундай шароитда шахснинг мустақил қарор қабул қилиши, эркин танловни амалга ошириши — амри маҳол. Кара-Мурза таъкидлаганидек, ОАВ одамларни у ёки бу ишни қилишга ундамайди. Аксинча, ҳукумат раҳбарлари ва йирик корпорация эгалари учун аудиториянинг ҳаракатсизлиги фойдалироқ. ОАВ воқеаларга фақат томошабин сифатида ёндашиб, уларни ожизлик аралаш бефарқлик ҳисси билан кузатишга “ўргатади”. Бунинг оқибатида, “Саҳродаги бўрон” операцияси-ю, АҚШ кўшинларининг Ироққа кириб бориши,

⁵⁹ Ўша манба

Вьетнамга ҳарбий ракеталарнинг учирилиши ва шу каби минглаб бошқа фожиалар, уларнинг замирида кимнинг манфаатлари ётганидан қатъий назар, “гулдурос қарсақлар” билан кутиб олинаверади⁶⁰. Зеро, “фикран кимгадир қарам бўлган ёки дунёқараши чекланган киши экзистенциал ҳолати ва эҳтиёжларини ҳам, жамият ҳаётидаги ижтимоий, тарихий заруратни ҳам тўлиқ англаб ололмайди, бирёклама тушунади. Кундалик ҳодисаларни таҳлил этиб, мустақил хулоса чиқаришга қийналади. Ўзгаларнинг фикрларини танқидий баҳолай олмаслиги оқибатида бошқаларнинг ортидан кўр-кўрона эргашиш ёки интуитив ҳаракат қилишга одатланиб қолади”⁶¹.

Кара-Мурзанинг ёзишича, АҚШнинг аксарият журналистлари “Биз одамларга қандай ўйлаш эмас, нима ҳақда ўйлаш кераклигини айтамиз”, шиорига амал қилади. Ахборотларни саралашда объективлик эмас, балки ахборотнинг омма онгига таъсир этиш кучи, сенсацион аҳамияти, мамлакат учун қандай манфаат келтириши кўпроқ эътиборга олинади. Айниқса, телевидениеда махсус эффектлар, тасвирлар кетма-кетлиги ҳамда монтаж ёрдамида кичик норозилик ҳаракатларини ҳам “фуқаролик уруши” даражасидаги воқеа сифатида кўрсатиш имконияти бор. Мисол сифатида Кот-Д’ивуардаги оппозицион кучлар томонидан ҳукумат раҳбарига қарши уюштирилган намойишларни олайлик. Юк машиналарида ташилаётган юзлаб қочоқлар, пиротехника воситалари ҳамда автоматлар шовқини, қуролланган жангарилар ва кимсасиз қолган хароба уйлар манзарасида мамлакат раҳбарининг “нима бўлишидан қатъи назар ўз лавозимимни тарк этмайман”, дея таъкидлаётгани тўғрисида ахборот бераётган “Евроњьюс” (“Euronews”) асосий эътиборни аҳолининг ночор аҳволига қаратиб, одамларда янада кучлироқ норозилик уйғотиш ниятида эканлигини пайқаш қийин эмас. Радио ёки телевидениедаги янгиликлар дастури орқали ўнлаб фожиа тафсилотлари, табиий офатлар, қотилликлар, уруш ва низолар ҳақида эшитган, кўрган одамда “дунёда яхши воқеалар содир бўлмас экан-да”, деган тасаввур пайдо бўлиши табиий. Бунинг сабаби шундаки, индивид салбий

⁶⁰ Кара-Мурза С. Г. Манипуляция сознанием. – М.: “Эксмо”, 2003. Стр. 189

⁶¹ Эркаев А. “Тафаккур эркинлиги”/”Tafakkur”, 2-сон, 2005 йил

эмоциялар – кўркув, нафрат, ваҳима, ҳимоясизлик уйғотувчи тасвирлар натижасида кучли стрессни бошидан кечиради. Гамбургнинг Гевис Институти маълумотларига қараганда, “телеангиликларнинг 70 фоизини томошабинлар эртаси куннинг ўзидаёқ унутиб юборишади. Хотирада фақат шокка туширувчи сюжетлар сақланиб қолади”⁶². Айнан шунинг учун, қайсидир мамлакатнинг у ёки бу жабҳадаги ютуқларини кўрсатишдан кўра, ўз уйи остонасида ўлдириб кетилган аллақайси миллионер ҳақида ахборот бериш ОАВга кўпроқ фойда келтиради. Тинчлик ҳақида ахборот бериш – ОАВ манфаатларига зид.

Юқорида тилга олинган Жулиан Ассанжга қайтсак. Журналистлар уни шов-шув билан машҳурлик шоҳсупасига олиб чиқишди, мардлик эталони сифатида кўкларга кўтаришди, мислсиз ақл соҳиби сифатида улуғлаб, ҳатто “Нобель”га тавсия қилмоқчи бўлишди. Худди ўша Ассанжни зўравонликда, қаллобликда айблаб, ўлим жазосига маҳкум қилишгача борганлар ҳам, яна журналистлар бўлди. Икки ойлик шов-шувдан кейин “ёпиқ қозон” ёпиқлигича қолди. Барча диктофонлар, объективлар ва микрофонлар энди Яқин Шарқ ҳамда Японияга қаратилди. Янги ахборотлар таъсирида қолган одамлар эса орамизда Ассанж деган кимса яшаётгани ҳақида бутунлай унутиб юбордилар.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, у ёки бу воқеликнинг ОАВда ёритилиши унинг инсонлар ҳаётидаги аҳамиятини белгилайди. Агар ОАВ бирор киноактрисанинг қайси шампуньга бош ювиши ҳақидаги ахборотни жаҳондаги қашшоқлик, глобал иқлим ўзгаришлари ҳамда этник урушлардан кўра муҳимроқ деб топса, аудиторияда ҳам худди шундай тасаввур уйғонади. ОАВ ёрдамида “пашша”ни “фил”га айлантириш, ёки аксинча, “фил”ни “пашша” қилиб кўрсатиш мумкин. Кара-Мурза манипуляциянинг бундай усулига “ахборотни дозалаш”(дозировка информации), яъни муайян фактнинг фақат маълум бир қисмини ошкор қилиш ҳодисаси сифатида таъриф берган. Баъзан муҳим ижтимоий ёки сиёсий аҳамиятга эга бўлган

⁶² Костенко-Попова О. “Хватит нас пугать!”//“АиФ” №9, декабрь, 2009

ахборот бир неча жумлаларда, эътибор қаратишга арзимайдиган хабар сифатида эълон қилинади. Масалан, 11 март куни Японияда содир бўлган цунами “Ma’rifat” газетасининг 2011 йил, 16 март сониди куйидагича ёритилган: «Бугун табиий офат оқибатларини бартараф этиш ишларида сўнгги технологик яратмалар кенг қўлланилмоқда. Шу боис Японияда содир бўлган zilзиладан азият чеккан инсонларга роботлар ёрдамлашиши режалаштирилмоқда»⁶³. Кўриниб турганидек, бу ерда асосий эътибор zilзила оқибатларига эмас, балки бу оқибатларнинг гўёки роботлар ёрдамида бартараф этилаётганига қаратилган. Хабарингиз бор, 2011 йилнинг 24 январь санасида Москванинг “Домодедово” аэропортида террaкт содир этилиб, юзлаб инсонлар умрига зомин бўлган эди. Журналист Анна Вразинанинг “Улицы разбитых телевизоров”⁶⁴ номли мақоласида ёзилишича, “социал тармоқларда фожеа тафсилотлари ҳақида деярли ҳамма ахборот бериб бўлинган бир пайтда Россиянинг етакчи телеканаллари кўнгилочар дастурлар, ток-шоулар намоиши билан “омма кўнглини хушлаётган эди”. Портлаш ҳақидаги дастлабки хабар 24 январь куни соат 16:32да “Твиттер” социал тармоғида пайдо бўлди. Россия телевидениесининг “Первый” телеканали эса воқеа тўғрисидаги ахборотни 18:00да, портлаш содир этилган вақтдан нақд бир ярим соат ўтгач эълон қилди. Беш дақиқа давом этган фавқулодда эфирдан кейин бирданига “Давай поженимся” шоу-дастури бошланди”. Ўша пайтда АҚШнинг CNN ҳамда Британиянинг BBC World каналлари воқеа жойидан тўғридан-тўғри репортажлар тайёрлаб узатаётган эди. “ОАВнинг воқеаларни ёритишдаги тезкорлиги мамлакат сиёсати билан боғлиқ. Телевидение – стереотип ва установкаларни шакллантириш билан шуғулланади, ўз вақтида тўғри ахборот билан таъминлаш эса унинг вазифаси эмас”, деб ёзади киноя билан журналист.

Оммавий коммуникация воситаларининг омма онги ва қарашларига қанчалик кучли таъсир этишини Сергей Кара-Мурза келтирган куйидаги мисол ёрдамида аниқроқ тасаввур қиламиз: «Россияда йилига ҳар мингта

⁶³ «Ma’rifat», 16 март, 2011 йил

⁶⁴ Манба: Lenta.ru 25.01.2011

одамдан биттаси автоҳалокатлар ва ҳар миллионта одамдан биттаси террористик актлар қурбонига айланади. Статистика маълумотларидан аён бўлдики, автоҳалокат туфайли жон бериш эҳтимоли террорист қурбонига айланиш эҳтимолидан минг чандон кўпроқ. Лекин нега биз машинада юришдан қўрқмаймиз-у, биргина “террорист” номини эшитиб, ваҳимага тушамиз? Гап шундаки, йирик корпорация эгалари оммада автомобильга нисбатан қўрқув уйғотишдан манфаатдор эмас. Агар автоҳалокатлар ҳам террор оқибатлари сингари интенсив ҳолатда, бор тафсилотлари билан намойиш этилганда эди, биз автомобилларни кўриб, ваҳимага тушадиган бўлиб қолардик”⁶⁵.

Юқоридаги мисоллар орқали “ахборот ижтимоий онгнинг, айниқса, сиёсат ва сиёсий жараёнларнинг бош манбаи бўлиб бораётганига”⁶⁶ яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мумкин. Эътироф этиш керакки, оммавий коммуникация воситалари омма онгига таъсир этишнинг энг самарали усуллари ва технологияларни ишлаб чиққан.

Ахборотнинг жамоатчиликда қандай таассурот қолдириши, асосан қуйидагиларга боғлиқ бўлади:

- **биринчи,** аудиториянинг ижтимоий таркиби (реципиентларнинг касби, ирки, ёши, жинси, оилавий шароити, қайси динга эътиқод қилиши ва б.);
- **иккинчи,** ахборотнинг қачон ва қай тарзда узатилиши;
- **учинчи,** ахборотнинг қайси канал орқали тарқатилаётгани (радио, телевидение, матбуот ёки интернет);
- **тўртинчи,** ахборот манбасининг нуфузи ҳамда ишончлилиқ даражаси;
- **бешинчи,** ахборотнинг ҳажми ва б.

Кўриниб турибдики, ахборотнинг таъсирчанлиги фақатгина сўз ёки тасвирга боғлиқ эмас. Лос-Анжелес университети профессори А. Меробян ҳисоб-китбларидан маълум бўлишича, теледастурлардаги ахборотнинг 7

⁶⁵ Кара-Мурза С. Г. Манипуляция сознанием. – М.: “Эксмо”, 2003. Стр. 219

⁶⁶ Каримов Ф. “Демократия ва миллий ахборот тизими”/ “Tafakkur” 2-сон, 2010 йил

фоизи сўз, 38 фоизи интонация ва овоз ҳамда 55 фоизи юздаги ифода ҳамда жестлар орқали узатилади⁶⁷.

Кара-Мурза ёзади: “Муваффақиятли манипуляциянинг энг муҳим қоидаларидан бири - адресатни бошқа ахборот манбаларидан “узиб қўйиш”дир. Эркин фикрлашув ҳамда баҳслар шароитида манипуляцияни амалга ошириб бўлмайди. Собиқ иттифоқ даврида барча ОАВ бир марказ тасарруфида бўлган ва бир хил мақсадлар учун хизмат қилган. Одамларнинг ҳеч иккиланмасдан “дунёда коммунизмдан бошқа ҳақиқат йўқ”, деган фикрга ишонгани ҳам шундан”⁶⁸.

Тафаккур эркинлиги бўлмаган жамиятда одамларни манипуляция қурбонларига айлантириш жуда осон кечади. Зеро, А. Эркаев айтганидек, “тафаккур эркинлиги пировард натижада ҳар қандай эркинликнинг(виждон эркинлиги, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий эркинликлар, умуман дунёқараш ва эътиқодга оид эркинликларнинг) маънавий асосини, интеллектуал шарт-шароитини ташкил этади. Тўғри, эркин тафаккур бевосита виждон эркинлигини ёки сиёсий, иқтисодий эркинликларни юзага чиқармайди. Аммо, тафаккури қарам киши ҳатто виждон эркинлиги тўла таъминланган жамиятда ҳам ўзи истаган, орзу қилган даражада тўлиқ эътиқод эркинлигига эришолмайди”⁶⁹.

⁶⁷ Ученова В. Беседы о журналистике, М.: “Молодая гвардия”, 1985, стр. 78

⁶⁸ Кара-Мурза С. Г. Манипуляция сознанием. – М.: “Эксмо”, 2003. Стр. 276

⁶⁹ Эркаев А. “Тафаккур эркинлиги”/“Тафаккур”, 2-сон, 2005 йил

II БОБ. БОСМА ОАВНИНГ ИЖТИМОЙИ ФИКРГА ТАЪСИРИ

2.1-§. Матбуотда манипуляция ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш эҳтиёжи

Сўз манипуляция ҳамда онгга таъсир этиш жараёнлари ҳақида борганда, кўпчилик тадқиқотчилар асосий эътиборни телевидение ҳамда интернетга қаратади. Чунки оммавий коммуникациянинг бу икки воситаси техник жиҳатдан улкан имкониятларга эга, айниқса телевидение орқали ахборот олиш анча қулай, бу ахборотни қабул қилиш ва қайта ишлаш учун мияни ортиқча зўриқтириш талаб этилмайди. Матбуот эса ОАВнинг дастлабки кўринишларидан бири ва унинг асосини матн ҳамда сўз қўллаш санъати билан боғлиқ. Самарадорликка эришиш учун, матбуот тили ёрқин ва катта таъсир кучига эга бўлиши керак. У халқ тилининг шаклланишида ҳам бекиёс аҳамият касб этади. “Газета тилининг ўз вазифалари, мақсадлари мавжуд. Бу - муайян қоидалар ҳамда имкониятларга эга бўлган салтанат. Матбуот тилининг имкониятлари адабий тилниқига қараганда кенгроқ”⁷⁰.

Биламизки, у ёки бу нашр аниқ ижтимоий “буюртма”дан келиб чиққан ҳолда фаолият юритади, жамиятнинг маълум бир қисмига тегишли сиёсий қарашларни ифодалайди. Айни шу жиҳат нашрлардаги материаллар йўналиши ва мазмунини белгилаб беради⁷¹. Е. Прохоровнинг “Журналистика назариясига кириш” асарида таъкидланганидек, ҳар бир давлат ўзининг “ахборот сиёсат”ини юргизади⁷².

2001 йилда тадқиқотчилар Америка ва Британиянинг етакчи нашрларини ўзаро таққослаб, уларда айнан бир муаммонинг турлича ёритилиши ҳолатига дуч келдилар⁷³. АҚШ ОАВ тили анча содда ва эркин, сўзлашув тилига жуда яқин эканлиги маълум бўлди ҳамда ундаги таъсир

⁷⁰ Солганик Г. Я. О языке и стиле газет, М.: “Прогресс”, стр. 14

⁷¹ Александрова О.В. “Язык средств массовой информации как часть коллективного пространства общества”.

Манба: <http://evartist.narod.ru/text12/07.htm>

⁷² Прохоров Е.П. “Введение в теорию журналистики”, М.: “Аспект-пресс”, 2003. Стр. 286

⁷³ Малюга Е.Н. Подходы к изучению вопросительных предложений в англо-американской прессе. М., 2001. Стр. 13

этиш функцияси якқол кўзга ташланди. Америкалик журналистлар абзац якунида ўқувчига савол бериш усулини Британия ОАВ ходимларига караганда кўпроқ қўллар ва шу йўл билан материалларнинг таъсир даражасини оширишга эришаркан. Чиндан ҳам Америка матбуотида мақтовчи позитив мақолалар кам учрайди, улар асосан танқид, таҳлил ва хабарлардан ташкил топади.

Ривожланган мамлакатларда газеталар “ақл ўргатиш, йўл-йўриқ кўрсатиш”, тарғибот-ташвиқот олиб бориш каби тамойиллардан воз кечди. Бироқ, миллий нашрларимизда совет матбуотига хос “ижобийлаштириш, нейтраллаштириш, ахборотни яшириш, “бўрттириб кўрсатиш” каби усуллар ҳали ҳам учраб турганини таъкидлаш жоиз. Бу - газеталаримиздаги сарлавҳалар мазмуни ҳамда ижобий бўёққа эга бўлган сўзлар миқдоридан келиб чиқадиган ҳулоса.

Масалан, “Маърифат” газетасининг 2011 йил, 12 январь сониди жами 88та ижобий бўёққа эга бўлган сифат ҳамда равиш сўз туркумлари қўлланилган. Биргина “Биометрик паспорт афзалликлари ва уни жорий этиш” деб номланган таҳлилий мақолада “юксак номга муносиб бўлиш”, “*катта шараф*”, “*юқори* ҳимоя даражаси”, “ҳимоя механизмларини *такомиллаштириши*”, “ҳимоя даражасини *ошириши*”, “авиаташишлар сифати ва самарадорлигини *яхшилаш*”, “*қулайликлар яратishi*”, “*изчил* ишлар амалга оширилмоқда”, “*янада такомиллаштиришига* кўмаклашади” сингари сўз бирикмаларини учратамиз⁷⁴. Таъкидлаш керакки, “замонавий”, “халқаро стандартларга мос”, “халқаро стандартларга жавоб берадиган”, “халқаро эътирофга лойиқ”, “жаҳон андозалари даражасида” каби сўз бирикмалари миллий матбуотимизда тез-тез қўлланилади, бироқ “халқаро стандартлар”нинг асли нима, унинг талаблари қандай, бу ҳақда журналистларнинг ўзи ҳам билмаса керак.

“Юқори”, “юксак”, “изчил”, “салмоқли”, “улкан” каби сифат ва равишлар, “янада ривожлантириш”, “янада юксалтириш”, “янада

⁷⁴ Иванова А. “Биометрик паспорт афзалликлари ва уни жорий этиш”//“Maʼrifat”, 12 январь, 2011 йил

такомиллаштириш” каби феълли бирикмалар матбуотда кўп ва аниқ мақсадларсиз ишлатиладиган сўзлар қаторига киради:

“Ўқув-машғулотлар **илгор** педагогик технологиялар асосида ташкил этилаётгани мактаблардаги дарслар сифатини **янада юксалтириш**, ўқитувчиларнинг касб ва ижодий маҳоратини **янада ошириш**да алоҳида аҳамият касб этаётир”⁷⁵. Матнда ижобий ёки салбий бўёқдор сўзлардан қанчалик кўп фойдаланилса, унинг ҳаққонийлигига шунчалик путур етади. Бунинг оқибатида ўқувчи воқелик ҳақида нотўғри хулосага келиши ёки унга бутунлай ишонмаслиги мумкин.

Айтиш лозимки, ОАВ тили кўпинча маданият кўзгусига қиёсланади. “унда нафақат инсонни ўраб турган олам, реал ҳаётини вазият, балки халқнинг ўз-ўзини ижтимоий англаш даражаси, менталитети, миллий характери, турмуш тарзи, урф-одат ва анъаналари, кадриятлар тизими, дунёқараши ҳам акс этади”⁷⁶. Шу сабабдан, “Шарқ матбуоти кўпинча эзгу ишларни ахтаради, ижобий томонларни топиб, мактаб туради, яъни “Яхшилик кўпроқ бўлсин!” Ғарб матбуоти асосан негатив излайди, иллатларни топиб, фош қилади, яъни: “Ёмонлик камроқ бўлсин!” Иккиси ҳам тамойил сифатида тўғридир. Сир-синоат шундаки, ғарб матбуоти самаралироқ, чунки эзгулик мақтовга муҳтож эмас, ёвузлик эса доимий назорат остида бўлиши керак”⁷⁷.

Босма ОАВда техника, ранг-баранг кадрлар, баланд овозлар ҳамда монтаж ёрдамида “сайқалланган” тасвирлардан фойдаланиш имконияти йўқ. Оммавий коммуникация воситаларининг руҳиятга таъсири ҳақида гапирар экан, Ричард Харрис шундай дейди: “Телевизор ёки радиони ёлғиз ҳамда жамоавий тарзда томоша қилиш, эшитиш мумкин. Газета ва журналлар мутолааси эса, аксарият ҳолларда индивидуал мушғулотдир”⁷⁸. Мутолаага киришган, кириша оладиган инсон, албатта, ўз нуқтаи назари, мантикий фикрлаш қобилиятига эга бўлади. У ахборотни психологик босим ёки чалғитишларсиз, онгли равишда қабул қилади. Кўриниб турибдики,

⁷⁵ Иванова А. “Биометрик паспорт афзалликлари ва уни жорий этиш”//“Ма’рифат”, 12 январь, 2011 йил

⁷⁶ Тер-Минасова С. Г. Язык и межкультурная коммуникация. М.: 2000. С 14.

⁷⁷ Бахриев К. Демократия ва инсон ҳуқуқлари, Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 1997, 137-б.

⁷⁸ Харрис Р. Психология массовых коммуникаций, Москва, «ОЛМА-ПРЕСС», 2002. Стр. 167

матбуотда манипуляция имкониятлари жуда кам, у жамоатчиликни руҳий таъсирлар ёки олдиндан ўйлаб топилган технологиялар ёрдамида эмас, сўз ва ғояларга ишонтириш орқали бошқаради. Бунда стилистик бирликлар ҳамда тил хусусиятларининг ўрни бекиёс.

“Тил сиёсий, мафкуравий атамалар, шиорларни ифодалаб, шакллантирибгина қолмасдан, шахснинг ижтимоийлашуви, оммавий онгни манипуляция қилиш каби жараёнларда ҳам муҳим ўрин тутди”⁷⁹.

Публицистика жамиятнинг сиёсий-мафкуравий соҳасига хизмат қилади. Даставвал ушбу услубнинг асосий функцияси сифатида тилнинг таъсир этиш (волюнтатив) хусусияти эътироф этиларди. Лекин бугунги кунда биз ахборотнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни нақадар муҳим аҳамият касб этаётганинг гувоҳи бўляпмиз. Замонавий публицистик услубда тилнинг икки тенг ҳуқуқли вазифаси кўзга ташланади: ахборот бериш ва таъсир этиш. Информацион жанрлар ахборот бериш, таҳлилий жанрлар предмет ёки воқеа ҳодисани таҳлил қилиш, публицистика эса таъсир этиш функцияларини бажаради.

Коммуникатив услубшунослик нуқтаи назаридан публицистик матндаги ўзига хосликлар адресант ва адресатдан ташкил топган тизимга асосланади.

Адресант – интенция – матн – адресат – матннинг қабул қилиниши – таъсир – дискурсив таҳлилнинг негизи мана шу тушунчалардан иборат.

Бу схемадан маълум бўладики, матннинг вужудга келиши муаллиф интенцияси (коммуникатив мақсад)дан келиб чиқади. Шундай қилиб, матннинг айнан интенционал белгилари матнни ҳосил қилувчи омил ҳисобланади.

Услубий ўлчамларнинг мана шундай янги тизимида публицистик матнни адресатни маълум бир ғоялар тизимига ишонтиришга қаратилган фаол ижтимоий ҳаракат сифатида ўрганиш мумкин. Мулоқотнинг икки

⁷⁹ Солганик Г. Я. О языке и стиле газет, М.: “Прогресс”, стр. 42

антропомаркази (адресант ва адресат) орасидаги етакчилик позициясини адресант, яъни хабар йўлловчи эгаллайди.

Публицистик матннинг сиёсий-мафкуравий асослари, унда акс этган ижтимоий ва муаллифлик баҳоси, адресатга нисбатан прагматик йўналганлик унинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади. Шунга кўра, публицистик матн фақат нутқий асар эмас, балки мақсадли ижтимоий фаолият тури сифатида ўрганилади. Публицистнинг коммуникатив мақсади - ўқувчини ўз тасаввурлари, воқеликнинг талқин этилиши нафақат ҳақиқатга яқин, балки мутлақо тўғри эканлигига ишонтиришдан иборат. Бутун публицистик матн мана шу мақсаддан келиб чиқади.

Радио кашф этилиб, кенг истеъмолга кирган даврлардаёқ, матбуот тезкор ҳамда оптимал ахборот узатиш воситаси сифатидаги нуфузини йўқотди. Бироқ, рақобатда енгилмаслик учун газета ва журналлар асосий эътиборни таҳлилий ҳамда сенсацион-кўнгилочар йўналишдаги материалларга қарата бошлади. Чунки газетада ахборотни бирмунча эркин ва тўлиқ узатиш имконияти мавжуд, унинг аудиторияси тезкор ва қисқа ахборотларга эмас, шарҳлар, тафсилотлар, мулоҳазага ундовчи материалларга кўпроқ эҳтиёж сезади.

Хорижий нашрлар фаолиятида ҳам таҳлил ва сенсациялар устувор. Айтиш керакки, сенсация – манипуляциянинг самарали усулларида хисобланади. Хориж матбуоти шов-шувли мавзулар учун асосан машҳур кишилар ҳамда сиёсат арбобларини нишонга олади. “Сиёсий кампаниялар, сиёсий масалалар ва номзодлар фаолияти(айниқса мамлакат ичкарасидаги)матбуот ва телевидениеда батафсил ёритиб борилади. Агар ўша репортаж ва мақолаларни синчковлик билан кузтсак, сиёсий ҳаётнинг айрим жиҳатлари бошқаларига қараганда кўпроқ ёритилишини пайқаймиз”⁸⁰. Масалан, “АиФ” газетасида сиёсат ва сиёсий жараёнлар танқид остига олинган пайтда, асосан депутатлар “жабр кўради”, президент ва премьер-министр шаънига эса ҳеч қачон очикдан-очик таъна тошлари ёғдирилмайди.

⁸⁰ Харрис Р. Психология массовых коммуникаций, Москва, «ОЛМА-ПРЕСС», 2002. Стр. 167

Яъни, матбуот эркинлиги эълон қилинган бўлишига қарамасдан, давлат ва давлат раҳбарлари манфаатларига зид бўлган ахборот ОАВда тарқатилмайди. Америкалик тадқиқотчи Жоэн Ньюманн таъкидлаганидек, “Сиёсат ОАВ чиқишларига қараб эмас, ОАВдаги чиқишлар сиёсатга қараб ўзгаради”.

“Сиёсат ва масс-медиа азалдан чамбарчас боғлиқ, телевидение ва матбуот нашрларида сиёсат энг асосий мавзулардан бири саналади. Ҳатто, телевидение жамоатчиликнинг сиёсат, сиёсат вакилларининг эса жамоатчилик ҳақидаги фикрларини, тасаввурларини сезиларли даражада ўзгартирди. Матбуот вужудга келган илк даврлариданоқ, сиёсий масалалар ҳақида бонг уради ва аввалги сиёсий баҳслар ҳозиргиларидан ҳам ўткирроқ кечган”⁸¹.

Босма ОАВнинг назорат воситаси сифатидаги ўрни ҳамда жамоатчилик фикрига таъсири кўп ҳолларда унинг сиёсатга бўлган муносабати, сиёсий жараёнларни таҳлил этишдаги позициясига боғлиқ. Ҳокимият ва давлат бошқаруви тўғрисидаги омма қарашларини шакллантиришда босма нашрларнинг ўзига яраша ўрни бор. Агар матбуотни шу нуқтаи назардан таҳлил қиладиган бўлсак, миллий нашрларимизда сиёсатни ёритишдан қочиш, иложи борича уни “айланиб ўтиш”га уриниш тамойили устувор эканини кузатамиз. Ҳатто Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси кенгаши, Сенат кенгаши ҳамда Вазирлар Маҳкамаси муассислигида, 77 минг нусхада чоп этиладиган “Халқ сўзи” газетасида ҳам сиёсий жараёнлар таҳлилига етарлича ўрин берилмайди. Мана, газетанинг 2011 йил, 12 февраль сониди, бош саҳифада берилаётган янгилик:

“Гулистон туманидаги “Миржалол Мирсаид боғи” фермер хўжалиги раҳбари Мирсаид Хўжаназаров саъй-ҳаракатлари билан 36 сотих майдонда иссиқхона барпо этилди”⁸². Гўё кун давомида мамлакатда иссиқхонанинг барпо этилишдан бошқа кизиқарлироқ воқеа содир бўлмаган.

⁸¹ Ўша манба

⁸² Холмуродов Ш. “Иссиқхонада ёз неъматлари”// “Халқ сўзи”, 12 февраль, 2011 йил

Шу ўринда сиёсатни ёритишдаги бирёқламалик, фикрлар хилма-хиллигининг йўқлиги, ягона ахборот манбаси билан чекланиш каби ҳолатларни ҳам айтиб ўтиш керак. Мамлакатимиз раҳбарининг хорижий давлатларга уюштирадиган расмий ташрифлари ёки шунга ўхшаш бошқа сиёсий тадбирлар асосан ЎзА ахборот агентлиги хабарлари асосида ёритилади. Сиёсий таҳлиллар тилининг қуруқ, ғализ ҳамда оддий одамлар учун тушунарсиз бўлиши кўп ҳолларда ахборотни унинг мазмунини чуқур англамаган ҳолда узатиш ва сиёсий билимларнинг етишмаслиги билан изоҳланади.

“Замонавий газета тили тараққиётини газета жанрлари тизими ҳамда сарлавҳалардаги ўзгаришлар мисолида кузатиш мумкин. Айни пайтда сарлавҳаларга материал мундарижасини қисқа ва аниқ ифодалаб бериш талаби қўйилмоқда”⁸³. Сарлавҳа қўллаш нуқтаи назаридан миллий ва хорижий матбуот нашрларини солиштириб кўрамиз. Миллий нашрларимизда асосан бир хил қолипдаги, ижобий бўёқдор сарлавҳаларни кузатишимиз мумкин: “Интиланга толе ёр”(“Хуррият”), “Транспорт, экология ва саломатлик”(“Халқ сўзи”), “Спортчи қизнинг бахти”(“Миллий тикланиш”), “Мардлик тимсоли”, “Ватанга муҳаббат, қалбга ғурур бағишлаган саёҳат”(“Маърифат”) ва б. Россиянинг “АиФ” газетасида эса аксарият ҳолларда танқидий руҳдаги, савол-сарлавҳалар қўлланилади: “Мне не больно”, “Всё-таки они прилетали?”, “Стоит ли нам торговать Достоевским?” ва ҳ.к.

Замонавий журналистиканинг асосий ўзига хослиги - очик тарғиботдан бутунлай воз кечиб, онга таъсир этишнинг яширин усуллари қўллашда намоён бўлади. Кўплаб оммавий коммуникация воситалари адресатга тўғридан-тўғри мафкуравий босим ўтказиш йўлидан фикрни шакллантиришнинг яширин механизмларини қўллаш йўлига ўтиб олди⁸⁴. Бироқ матбуотда ханузгача “тарғибот-ташвиқот” тамойили устувор.

⁸³ Солганик Г. Я. О языке и стиле газет, М.: “Прогресс”, стр. 42

⁸⁴ Клушина Н.И. Языковые механизмы формирования оценки в СМИ // Публицистика и информация в современном обществе / Под ред. Г.Я. Солганика. М., 2000.

Матн ортида яширин бўлган муаллифнинг баҳоси(унинг муайян воқеликка муносабати) - матбуотдаги манипуляциянинг асосий шартларидан бири. У имплицит ёки эксплицит тарзда намоён бўлади. Имплицит баҳо деганда, у ёки бу фикрни бирор сўз ёрдамида ифодалаш, эксплицит баҳо деганда эса сўз эмас, балки уни маълум контекстда қўллаш орқали ўқувчини маълум фикрга оғдириш тушунилади. Публицистикадаги имплицит баҳо турларига метафоралар, эвфемизмлар ҳамда “ўзаклаштирилган” сўзлар киради. Метафоралар ёки тасвирий ифодалар жамоатчилик фикрини мақсадли йўналтиришга, аудиторияда муаллифга керакли бўлган тасаввурларни ҳосил қилишга ёрдам беради⁸⁵.

Масалан, террористларни **“қора шарпалар”**⁸⁶, **“қора кучлар”**, **“инсоният ва тараққиёт душмани”**⁸⁷ каби метафоралар билан аташ омманинг уларга нисбатан салбий муносабатини кучайтиришга хизмат қилади. “Хуррият” газетасида қўлланилган “қароқчи рекламалар”⁸⁸ тасвирий ифодаси рекламанинг асл моҳиятини ёритиб беришда жуда қўл келган. Бу мақолани ўқиган аксарият одамларнинг кўз ўнгида “реклама” деганда, қароқчилик ва у билан боғлиқ манзаралар гавдаланиши шубҳасиз.

Ўқувчи, тингловчи ёки томошабинда негатив тасаввурлар уйғотувчи сўз ва ибораларни уларнинг нейтрал синонимлари билан алмаштириш, шунингдек, зарур ғояларнинг тўғрилигига ишонтириш учун салбий таассуротни нейтраллаштириш, ижобий образ яратиш усули эвфемизм дейилади. “АҚШнинг Афғонистондаги уруши” - “АҚШнинг терроризмга қарши кураши” қабилида қўлланилиши эвфемизмнинг ёрқин мисолидир.

Муайян тасаввурларни ҳосил қилишда сўзларни “ўзаклаштириш” (ушбу атамани Н.А. Николина истеъмолга киритган⁸⁹) усулидан фойдаланиш асосан, рус матбуотида кенг тарқалган. Бунда маълум бир сўз асосида муайян таъсирчанлик бўёқларига эга бўлган янгича сўзлар ҳосил қилинади:

⁸⁵ Солганик Г.Я. О специфике газетно-публицистической метафоры // Журналистика и культура русской речи. 2002. № 2. С. 36

⁸⁶ Абулбоқиев Ф. “Қора шарпалар”, “XXI asr”, 28 апрель, 2011

⁸⁷ Пўлатов А. “Хавфсизлик кучлари аҳолини хушёрликка чорламокда”, “Milliy tiklanish”, 20 октябрь, 2010

⁸⁸ “Hurriyat”, Бобур Элмуродов, “Қароқчи рекламалар”, 30 март, 2011

⁸⁹ Николина Н.А. «Скорнение» в современной речи // Язык как творчество. М, 1996.

«КПССовцы», «коммуноиды», «коммунофашисты», «демокрады», «демонократы», «демозавры» ва ҳ.к.

“Янги” сўзлар матнни безабгина қолмасдан, ижтимоий установакаларни ҳосил қилишда етарлича аҳамиятга эгадир: «Елеельцин», «Зюгашвили», «Греф-фрукт». Ёркин тимсоллар хотирада осон сақланиб қолади ва омма онгининг ажралмас қисмига айланади.

Контекст, квазисинонимик вазият ҳамда квазицитата каби усулларда муаллиф баҳоси эксплицит равишда ифодаланади.

Контекст – нейтрал сўзларга таъсирчанлик бағишлашнинг кучли механизми ҳисобланиб, баҳо сўзнинг асосий маъносида эмас, атрофидаги сўзлар билан бирга ҳосил қиладиган маъносида яширинган бўлади. Бир хил маънодаги сўзларни стилистик бўёқдорлик жиҳатидан бутунлай қарама-қарши контекстларда ишлатиш мумкин. Айнан шу йўл билан ОАВ омманинг нутқий онгига таъсир қилади.

Масалан, авваллари салбий деб қаралган “демократия”, “дин”, “бизнес” каби сўзлар ҳозир ижобий ёки нейтрал позицияларни ифодалаб келмоқда: “Диплом – бизнесга катта йўл очади”, “Бизнес ғоя танлаш – тадбиркорнинг муваффақиятга эришиш сири”⁹⁰. “Тарғибот” сўзи хориж, хусусан, Россия матбуотида негатив таассурот ўйғотувчи сўз ҳисобланса, миллий нашрларимизда у ижобий маънода қўлланилади: “Фестиваль доирасида ёшлар ўртасида ёт ғояларга қарши “Оммавий таҳдидлар ва ёшлар маънавияти” *тарғибот* лойиҳаси амалга оширилди.”⁹¹

“АиФ” газетасида “гаишник”(ДАН ходими), “стражи порядка”, “люди в погонах”, ёки “милиция” сўзлари кўпинча негатив мазмунни ифодалайди. Масалан, Виталий Цепляевнинг “Чудо-остров-2” мақоласида Сингапур мамлакатада амалга оширилаётган модернизациялаштириш жараёнлари ҳақида сўз боради. Гап шаҳар аҳолиси учун яратилган қулайликлар ҳақида бораркан, йўлларда “ДАН ходимлари” умуман учрамаслиги ва

⁹⁰ “XXI asr”, 5 май, 2011 йил

⁹¹ “XXI asr”, 28 апрель, 2011 йил

қоидабузарликлар яширин камералар орқали кузатилишини у ижобий ҳодиса сифатида баҳолайди⁹².

“Уларга ҳамма нарса мумкинми? Шу кунларда йўл милицияси хавфли бўлиб бормокда” сарлавҳали мақолада милиционерлар томонидан содир этилаётган жиноятлар тилга олинади⁹³.

Квазисинонимик вазият деганда, бир-бирига фақат маълум контекстдагина мос келувчи сўзларни бир қаторда қўллаш усули тушунилади. Бундай усул журналистга ўз позициясини ифодалаш учун жуда яхши ва қулай имконият яратиши шубҳасиз.

“Бу адабий-назарий воқеликни ижод аҳли *жўн, содда, бирёқлама*, айниқса кундалик турмушдан нусха кўчириш тарзида тушунмаслиги лозим”⁹⁴. Содда ва жўн сўзлари бу контекстда негатив мазмунни ифодалаб келган.

Яна бир усул – квазицитаталар, яъни бир қисмигина ҳақиқий фактлардан ташкил топган, қолган қисми эса воқеликни баён этаётган журналист қарашларига мослаб ўзгартирилган цитаталарни қўллашдан иборат. Муаллиф бирор гапни айтар экан, бутунлай бошқа маънони кўзда тутган бўлиши мумкин, лекин журналистнинг шарҳидан кейин бу фикр тескари маъно англатиб қолиши ҳеч гапмас. “АиФ” газетаси контекстан “юлиб” олинган цитаталар ёрдамида омма онгини манипуляция қилиш усулидан самарали фойдаланади: “Ю. Лужков, Москва мэри: *“Бугун халқ хатто оддий нарсалар: канализация бўйлаб сувнинг қаерга оқишию, ёруғликнинг қандай пайдо бўлишини билмай турганидан кейин, илмий кашфиётлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади”* Кулгули ҳолат: ҳозир хатто катта ёшдаги Москва фуқаролари ҳам мэrlарнинг қаердан пайдо бўлишини билмайди. Таълим даражаси пасайиб кетгани учун эмас, мэринг узок вақтдан бери алмаштирилмаётгани учун”⁹⁵.

⁹² Цепляев В. “Чудо-остров-2”// “АиФ”, №10, март, 2010 йил

⁹³ “АиФ”, №12, март, 2011 йил

⁹⁴ Умрзокова Г. “Адабиёт яшаса – миллат яшайди”//“Milliy tiklanish”, 20 октябрь, 2011 йил

⁹⁵ “АиФ”, №39, сентябрь, 2009 йил

Бундан ташқари, идеологемалар ҳосил қилиш ҳам матбуот таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади. Идеологемалар омма онгини маълум ғоялар сари йўналтириш, аниқ мақсадларни амалга оширишни кўзда тутлади. Улар шахсга қаратилган ва ижтимоий турларга бўлинади. Идеологемалар ёрдамида халқ орасида “душман” ёки “дўст”, “ёрқин келажак” ёки “укубатли ўтмиш” образларини яратиш мумкин. Миллий матбуотимизда “собик шўро ҳукумати”, “терроризм”, “ташқаридан кириб келадиган ёт ғоялар”, “гиёҳвандлик” ва “оммавий маданият” сингари тушунчалар “душман” образи сифатида, “Президентимиз”, “ҳукуматимиз”, “мустақиллик”, “маънавият” сингари тушунчалар эса “дўст” образи сифатида талқин этилади.

Матбуотнинг оммага таъсир этиш хусусиятига фақат салбий нуқтаи назардан баҳо бериш, албатта тўғри эмас. Чунки, унинг тарбиялаш, хабардор қилиш, фикр уйғотиш каби функциялари ҳам мавжуд⁹⁶. Бироқ, матбуот эркинлиги шароитида ҳар қандай ахборотни саралаб олиш, унинг замирида қандай ғоялар яширин эканини англаш – журналистдан алоҳида билим, маҳорат ва тажрибани талаб этади.

“Бугунги глобал инфомаконнинг ўзига хос хусусиятларидан бири – ундаги жами ахборот мажмуининг аксарият қисми ижтимоий онгга, шахс, жамият ва давлат бирлигига салбий таъсир этувчи, манфаат ташувчи манипулятив ахборот эканини журналистларимиз яхши билиши керак. Демократия соясида глобал инфомакон геополитик қарама-қаршилик полигонига айланаётган айни вақтда журналистнинг бош вазифаси – шахс, жамият ва давлатни мазкур полигонинг салбий таъсирларидан асраб-авайлашдан иборат”⁹⁷.

Ф. Каримов матбуот нашрларимизнинг катта қисми хорижий ахборот манбаларидан тўғри келган ахборотни кўчириб олиб, уни қандай бўлса, шундайлигича узатади, бу ахборотлар орасида муштарийлар тафаккури, дунёқарашига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган маълумотлар ҳам

⁹⁶ Прохоров Е. П. “Введение в теорию журналистики”, М.: “Аспект-пресс” 2003. Стр.23

⁹⁷ Каримов Ф. “Журналист кадри”//“Нигиёат”, 22 июль, 2009 йил

учраб туради, деган фикрда: “Айни масала глобал инфомакондаги маълумотлардан фойдаланиш ва уларни узатишда ҳар бир ахборотнинг мафкуравий таркибини, долзарблигини, асослилигини ва ишончли манбаларга тегишлилигини ҳар томонлама, юқори савияда таҳлил қилишни тақозо этади”⁹⁸.

Хулоса ўрнида Президентимиз Ислон Каримовнинг ахборот хуружларидан ҳимояланиш ҳамда ахборотнинг салбий таъсири хусусида билдирган фикрини келтириб ўтамыз: “Демократия ва эркин ахборот алмашинуви масалалари уйғун ҳолда қаралаётган бугунги кунда айрим кучларнинг бошқа мамлакатларга, минтақаларга йўналтирилган ахборот хуружларини шаклан ёки мазмунан тартибга солиш имконсиз эканини ҳам яхши тушунамыз. Бироқ бу - муаммо ечимсиз дегани эмас. Глобал ахборот маконидаги зарарли таъсирлардан ҳимояланишнинг энг мақбул йўли – жамиятда таҳдидбардош ахборий иммунитетни шакллантиришдир”⁹⁹.

2.2-§. Жамоатчилик фикрини бошқаришда “АиФ” ва “Хуррият” нашрларининг ўрни

“Хуррият” газетаси 1996 йил 1 декабрдан чиқа бошлаган. Дастлабки йилларда у ўткир мавзулардаги танқидий мақолалари билан халқ орасида шуҳрат қозонган эди. Мустақил газета “Ўзингни англа!” шиори остида фаолият олиб боради. Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси муассислигида, А-2 форматда чоп этилади. Унинг интернетдаги веб-сайти: www.uzhurriyat.uz, электрон почта манзили: hurriyat.doda.uz. Ҳафтанинг чоршанба кунлари чиқади.

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми – 8 саҳифа.

“Ижтимоий ҳаёт”, “Жараён”, “Тўртинчи ҳокимият”, “Дунёда нима гап?”, “Нигоҳ”, “Маънавият”, “Маданият” номли саҳифалари, “Спорт”, “Янги кунун”, “Бунёдкорлик”, “Давра суҳбати”, “Изҳор”, “Божхона постидан

⁹⁸ Ўша манба

⁹⁹ Каримов Ф. “Журналист кадри”//“Hurriyat”, 22 июль, 2009 йил

хабарлар”, “Мушоҳада учун мавзу”, “Публицист ижодидан”, “Таклиф”, “Дараклар”, “Буюк шахслар ҳаёти”, “Ранглар жозибаси”, “Қадрият”, “Банк фаолияти”, “Мулоҳаза”, “Ўйлаб кўринг” сингари рукнлари мавжуд.

Россиянинг «Аргументы и факты» ҳафталик ижтимоий-сиёсий нашри 1978 йил, 1 январь санасидан чиқа бошлаган. Умумий адади 2 млн. 630 минг 109 нусхани, мамлакат ташқарисидаги адади эса 579 минг 530 нусхани ташкил этади.

Газетанинг доимий муштариёлари сони 8 миллионга яқин. Россиядан ташқари дунёнинг 57 мамлакатада тарқатилади. Жумладан, АҚШ, Япония, Таиланд, Европа ҳамда МДХ мамлакатларида нашр этилади¹⁰⁰.

“Дастлабки ишини газетхонларнинг хатларига жавоб ёзишдан бошлаган. Кўп ўтмай газета саҳифалари мамлакат ҳаётининг турли соҳаларидаги камчиликларни очиб ташлайдиган, ўқувчининг виждонини уйғотиб, онгини ўстирадиган, фаол гражданликка даъват этувчи турли жанрдаги мақолаларга тўлиб чиқа бошлади”¹⁰¹.

“АиФ” мамлакат ичкариси ва ташқарисидги долзарб воқеаларни ўз вақтида муносиб шарҳлаши ҳамда ўз мақсадлари йўлида собит туриши билан бошқа нашрлардан ажралиб туради. Унинг биринчи саҳифасида доимий равишда фотоколлаж эълон қилинади ва у газетадаги энг долзарб мавзунини ифодалашда жуда қўл келади. Газетанинг иккинчи саҳифаси анъанага кўра, сиёсатга бағишланади. Сиёсат вакиллариининг давлат Думасида билдирган фикрлари сатирик тарзда журналистлар томонидан шарҳлаб борилади. Бу эса фуқароларнинг сиёсат борасидаги қизиқишларини орттиришга хизмат қилади. “Шахс” (“Личность”) рукни остида Россиянинг кўзга кўринган давлат ва фан арбоблари, олимлар, режиссёрлар, сиёсатчиларнинг турли мавзулардаги ҳаётий қарашлари, мамлакатнинг тарихи, бугуни ва ўтмиши ҳақидаги фикр-мулоҳазалари акс этади ва ҳар бир материалда миллий ғурур,

¹⁰⁰<http://www.wikipedia.org/newspaper/aif/htm#3>

¹⁰¹ Фармон Ҳ. “Аргументы и факты” тажрибаси”// “Hurriyat”, 17 июнь, 2009 йил

миллий манфаатлар, миллий ўзлик тарғиб этилади, гарчи матнда бу сўзларнинг ҳеч бири ишлатилмаса ҳам.

“АиФ” билан “Хуррият”ни ўзаро таққослаганда, бу иккала нашр воқеликни ёритишда бутунлай бошқа “йўл”лардан бориши яққол кўзга ташланади. Россия матбуотида танқидий ёндошув ҳамда ҳар бир воқеани мамлакат ҳаётидаги аҳамияти жиҳатидан таҳлил қилиш тенденцияси устувор бўлса, миллий матбуотимизда асосан ютуқларни кўрсатиш ва воқеани шунчаки баён этиш тамойили устун.

Япониядаги зилзила оқибатларини ёритишда “АиФ” ва миллий нашрларимиз турлича ёндошувлардан борганини кузатамиз. “Хуррият” ҳамда “XXI аср” газеталари асосий эътиборни япон халқининг матонати ва бирдамлигига қаратди:

“Дунё аҳли япон халқининг ақл-заковати ва тадбиркорлигига, ўз бурчи ва вазифасига виждонан ёндашуви, қисқа фурсат ичида давлатини энг тараққий этган мамлакатлар қаторига олиб кирганига ҳалигача ҳайрат ва ҳавас билан қараган бўлса, бугунгидек оғир дамларда ҳам ўзини йўқотмасдан синовларни сабр-бардош, вазминлик, матонат ва ҳамжиҳатлик ила енгиб ўтишга интилаётганига яна бир қарра қойил қолмоқда”¹⁰².

Мақоланинг 1/3 қисми Ўзбекистоннинг Японияга юборган кўмаги ва мамлакатларимиз орасидаги дўстона ҳамкорликка бағишланган:

“Ўзбекистон раҳбариятининг қарори билан “қунчиқар юрт”га биринчилар қаторида инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди. Мамлакатимизнинг мазкур кўмаги Японияда юксак баҳоланди. Япония Бош Вазири Наото Кан ва мамлакат ташқи ишлар вазири Такаэки Мацумото Ўзбекистон ҳукуматига маънавий жиҳатдан далда бўлган илиқ сўзлари ва кўрсатган инсонпарварлик ёрдами учун самимий миннатдорлик билдирди”.

“АиФ” газетасида Япониядаги воқеалар “Цунами қимматга тушди. Россия шу каби кучли офатга дош бера олармиди?” сарлавҳаси остидаги

¹⁰² Ортиқов Ш. “Матонат синов”// “Hurriyat”, 6 апрель, 2011 йил

шарҳда ёритилган ва материалнинг бошидаёқ “зилзила Россияга қандай таъсир қилиши мумкин?” деган савол кўндаланг қўйилган:

“Сахалин ва Курилл оролларидаги мухбирларимизнинг хабар беришича, у ерда радиация даражаси меъёрдан ошгани йўқ. Лекин бўшашишга ҳали эрта. Япония ҳали узок “силкинади”. Бу ҳолат биз учун хавф туғдириши мумкинми?”¹⁰³

Кейинги қисмларда эса қуйидаги масалалар юзасидан мутахассислар фикри бериб ўтилади: “илмий жиҳатдан зилзилаларни олдиндан башорат қилишга эришиш мумкинми?”, “сейсмологик тадқиқотлар учун сарфланаётган пуллар “кимнинг чўнтагига” кияпти?”, “Япония маҳсулотлари қимматлашадими?”, “агар “кунчиқар мамлакат”даги зилзила Россияда содир бўлса, кўпқаватли бинолар унга дош бера оладими?” ва бошқалар.

“Россия АЭСларининг катта қисми мамлакатнинг Европа қисмида жойлашган ва у ерда зилзила хавфи йўқ. Чукотка ва Екатеринбург остида ҳам АЭСлар бор, лекин улар сейсмик жиҳатдан бардошли”. Атом энергетикаси бўйича собиқ вазир ўринбосари Б. Нигматуллиннинг фикрини келтириш орқали, муаллиф аҳолини Россияда Япониядаги ҳолат такрорланмаслигига ишонтиришга уринади.

Газеталар орқали бериладиган ахборотни шартли равишда ижтимоий, сиёсий, маърифий-дидактик ҳамда маданий-кўнгилочар жанрларга ажратиб чиқсак, “Хуррият”нинг асосий ҳажмини маданий-кўнгилочар ҳамда маърифий-дидактик материаллар банд этишига ишонч ҳосил қиламиз. Масалан, “Хуррият”нинг 2011 йил, 10 май сониди бор-йўғи 2та: Туркистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг Ўзбекистонга ташрифи ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Демократик жамиятда конституциявий ҳуқуқ ва парламентаризмни ривожлантириш: Ўзбекистон ва

¹⁰³ “АиФ”, №11, март, 2011 йил

Франция тажрибаси” мавзуидаги семинарнинг бўлиб ўтгани ҳақидаги хабарларни сиёсатга оид, дея баҳолашимиз мумкин¹⁰⁴.

Миллий нашрларимиздаги яна бир эътиборга молик жиҳат – хорижий муаммоларнинг ёритилиши. Биринчидан, хориж хабарлари кўпинча интернет сайтларидан олиниб, таржима ҳолида эълон қилинади. Иккинчидан, бу ахборотларнинг мамлакатимиз ҳаётидаги аҳамияти сўроқ белгиси остида қолаверади: ўша хабар берилди нима-ю, берилмади нима? Бундан фарқли равишда, “АиФ” хориждаги воқеаларни Россияга алоқадорлик нуқтаи назаридан таҳлил қилади. Албатта, рус мутахассисларининг фикр-мулоҳазалари, рус миллати позицияси билдириб ўтилади.

Масалан, “Айтишларича, япониялик биолог олимлар чивинларни аҳолини оммавий вакцинациядан ўтказиш жараёнига жалб этармиш”¹⁰⁵, деган маълумот келтирилади-да, остидан “АиФ” шарҳи берилади. Воқеа-ҳодисаларни шарҳлаш учун кўпинча соҳа мутахассисларига мурожаат этилади.

Кара-Мурза сенсацион хабарларни узатиш орқали манипуляция қилиш ҳодисасини шудай изоҳлаган: “Доимий таранг асабий ҳолат натижасида ахборотни танқидий баҳолаш имконияти йўққа чиқади. Чунки тезкор хабарлар оқимининг таъсир даражаси аудиториянинг психологик ҳимояланиш қобилиятига қараганда кучлироқ. Омма шов-шувли хабарлар таъсирига тушиб, турмушдаги қийинчиликлар, нархларнинг доимий ўсиб бориши, ишсизлик, давлатнинг фуқаролар ҳаётига бефарқлиги каби муаммоларни бир зумга бўлса-да, унутади. Айнан шунинг учун аксарият матбуот саҳифаларида ҳайвонот боғидаги филнинг кўзи ёригани, автобус билан тўқнашиб кетган юк машинаси ёки ўз бувисига тажовуз қилган ўсмир ҳақидаги хабарлар доимий тарзда ёритиб борилади”¹⁰⁶.

“Хуррият”нинг 2010 йил, 29 сентябрь сонида “Дунёда нима гап?”¹⁰⁷ рукни остида қуйидаги хабарлар берилган: “Йўловчи автобус ҳалокатга

¹⁰⁴ “Hurriyat”, 10 май, 2011 йил

¹⁰⁵ “АиФ”, №13, апрель, 2010 йил

¹⁰⁶ Кара-Мурза С.Г. Манипуляция сознанием – М.: “Эксмо”, 2003, стр. 256

¹⁰⁷ “Hurriyat”, 29 сентябрь, 2010 йил

учради”, “Тинчликка хизмат қилмайдиган бунёдкорлик”, “Фожиага айланган базм”, “Ҳарбий шаҳарчалар сотилади”, “Фойдасидан зарари кўп”, “Осмондан тушган 50 миллион”, “Поезд йўлидаги филлар”, “Дельфинларнинг сирли ҳаракатлари”, “Куйдирги хавфи”, “Китоблар ёқиб юборилди”, “Чиқиндилар Россияга келитирилади”, “Lehman Brothers мулки сотилмоқда”, “Энг қиммат кўчалар”, “Қўриқхонадаги ёнғин”, “Қасалхона жарима тўлайди”. Маълумотларнинг аксарияти ҳалокатлар, ёнғинлар, бир сўз билан айтганда, нохуш ҳолатлар тўғрисида. Хабарларда жами 46та негатив бўёққа эга бўлган сўз ишлатилган. Ўқиш давомида биргина ўлимни англатувчи сўзлар 8 марта қўлланилганига гувоҳ бўласиз. Жумладан, *“13 нафар йўловчи ҳалок бўлган”, “22 ёшли йигит воқеа жойида ҳаётдан кўз юмган”, “ўлим даражаси 14 фоизга ошган”, “юк поезди етти та филни босиб кетган”, “ўзларини ўлдиришга ҳаракат қилишади”, “ўзларини ўлимга дучор қиладиган даражада талвасага тушди”, “20 бош сигир ўлдириб, ёқиб юборилди”, “2 ноябрь кунини у вафот этади”*. Ранг-баранг мавзулардаги хабарларнинг кўп миқдорда тақдим этилиши натижасида инсонлар уларнинг ҳеч бирини ёдда узоқ сақлаб қола олмайди, кейин, бу янгиликлар кишилар ижтимоий ҳаётида ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Улар - шунчаки онгни чалғитиш воситаси.

Ф. Каримовнинг таъбири билан айтганда, миллий нашрларимиз аксарият ҳолларда “Обуна учун ўз маблағларини сарфлаган, биз журналистлардан АХБОРОТ, ЯНГИЛИК, ТАҲЛИЛлар кутган, жўяли гапларни умид қилган муштарийларимизга уларнинг ҳаёти-ю фаолиятида ҳеч қандай аҳамият касб этмайдиган, хорижнинг ҳатто ўша ернинг ўзида ҳам эътибор қозонмаган актёру хонандалари ҳақидаги енгил-елпи, олди-қочди маълумотларни, адабиётга дахли бўлмаган сийқа ва саёз детектив асарларни тақдим этиш”¹⁰⁸дан нарига ўтмаяпти.

Худди шу мавзуда фикр юритар экан, Г. Шиллер куйидагича хулоса ясаган эди: “Реклама диққатни жамлашга ҳалал бергани ва ахборотни бўлиш орқали унинг қийматини йўққа чиқаргани каби, информацияни қайта

¹⁰⁸ Каримов Ф. “Журналист қадри”//“Hurriyat”, 22 июль, 2009 йил

ишлашнинг янги усуллари эфирни арзимаган хабарлар оқими билан тўлдириб, индивиднинг мазмун ахтариш йўлидаги шундоқ ҳам натижасиз ҳаракатларини янада мураккаблаштириб юборади”¹⁰⁹.

Миллий нашрларимизда, хусусан, “Хуррият” газетасида ҳам давлатимиздаги ислохотлар, ютуқларга алоҳида урғу берилади. Ҳукумат қандай қарорга келишидан қатъи назар, унинг тўғри эканлиги ва фаровонлик учун хизмат қилиши таъкидланади. Масалан, Т. Низомов ва Ф. Жабборовнинг “Тошкент трамвайлари” мақоласини олайлик. “Маълумки транспорт воситалари орасида трамвай ўзининг хавфсизлиги, тежамкорлиги ва экологик зарарсизлиги билан ажралиб туради. Аҳолига тез ва сифатли хизмат кўрсатишда бу чопағон “темироёқ”нинг ўрни бекиёс. Шу сабабли, “Тошшаҳартрансхизмат” уюшмаси томонидан бу транспорт воситасидан кенгроқ фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кўриниб турибдики, шаҳарсозликда қилинаётган шу сингари салмоқли ишлар, аввало аҳолига сифатли, замон талаблари даражасида хизмат кўрсатишни *янада такомиллаштиришга* қаратилгани билан аҳамиятлидир”¹¹⁰.

“Президентимиз Ислам Каримов томонидан 2006 йил 17 апрельда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида 2006 – 2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги қарори асосида юртимизда туризмни, шу жумладан, экосайёҳликни ҳар томонлама ривожлантириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини *жаҳон талабларига* жавоб берадиган даражада ташкил этиш жадаллашди”¹¹¹.

Миллий матбуотда манипуляциянинг “контраст” яъни қарама-қарши ҳолатларни ёнма-ён қўйиш усулидан кенг фойдаланилади:

“Бир пайтлар хусусий заводи ёки фермаси у ёқда турсин, ҳатто **кичкинагина дўкони** бўлиши мумкинлигини ҳаёлига ҳам келтирмаган кишилар бугун мулк эгалари, **катта ер** соҳиблари сифатида юрт тараққиёти,

¹⁰⁹ Кара-Мурза С.Г. Манипуляция сознанием – М.: “Эксмо”, 2003, стр. 413

¹¹⁰ Низомов Т., Жабборов Ф. “Тошкент трамвайлари”//“Hurriyat”, 11 апрель, 2011 йил

¹¹¹ Ҳамроев М. “Экотуризм ва иқтисодиёт”//“Hurriyat”, 10 май, 2011 йил

халқ фаровонлигига ҳисса қўшмоқда”¹¹². Мазкур жумлада “кичкинагина дўкон” ва “катта ер” эгаси бўлиш ўртасидаги тафовутни кўрсатиш орқали, мустақиллик йилларида эришаётган ютуқларимиз салмоғи нақадар юқори эканлигига урғу берилган.

“АиФ” нашри материалларида ҳам “оқ ва қора”ни ёнма-ён келтириш ҳолати тез-тез учраб туради: “Гастроллар пайтида обрўли хонадонда тунадим. У ерда *мўл-кўлчилик, худди Швейцариядагидек*. Ёғоч панжара ортида эса – *харобалар* ва *ночорлик*”¹¹³. Бу усул билан муаллиф Россиядаги “интеллигенция” ва оддий аҳоли ўртасидаги фаркни тасвирлашга уринган.

Сингапур шаҳарлари ҳақида ёзар экан, В. Цепляев қуйидаги қарама-карши ҳолатлар уйғунлигидан ўринли фойдаланади: “Яқингача ҳам бу *порлоқ шаҳар* порт олдидаги *ахлатхона* ва *опиум савдоси маркази* эди”¹¹⁴.

Яна бир усул – таққослаш. У маълум бир шахс ёки давлатни бошқаларидан устунроқ қилиб кўрсатиш ёки аксинча, бошқаларнинг ютуқлари манзарасида унинг камчиликларини бўрттириш имконини беради:

“АҚШнинг штатлараро энергия комиссияси тарифлар асосли оширилаётганини назорат қилади, Швейцарияда бу жараёни давлат бошқаради, Германияда эса истеъмолчи ҳуқуқларини монополияга қарши бошқарма ҳимоя қилади. Бизда-чи? Бизда бўлса, ҳеч ким ҳеч кимга ҳисобот беришга мажбур эмас”¹¹⁵.

Россиянинг хорижий давлатлар, хусусан, АҚШ, Украина, Грузия, Белорусь сингари давлатлар билан муносабати “АиФ” материалларида ҳам акс этади ва маълум мақсад йўлидаги мазкур чиқишлар омма онига етарлича таъсир ўтказди.

Аввалига Россия ОАВ Грузия президенти М. Саакашвилини “галстук чайнаш”да айблаб юрди. Бора-бора бу айблов одамларда “президент чиндан ҳам ақлдан озган” деган фикрни уйғотган бўлса, ажаб эмас. Чунки,

¹¹² “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз тантаналаридан репортаж” //“Hurriyat”, 22 март, 2011 йил

¹¹³ Полупанов В. “Юрий Шевчук: Мы заболтались”// “АиФ”, №3, январь, 2010 йил

¹¹⁴ Цепляев В. “Чудо – остров-2”// “АиФ”, №3, январь, 2010 йил

¹¹⁵ Зятьков Н. “Всепожирающие тарифы”//“АиФ”, №1, январь, 2010 йил

Саакашвили билан боғлиқ ҳар қандай материалда унинг “телба”лиги назардан четда қолмайди:

“Грузия аҳолисининг ўзи ҳам президентини жуда ҳурмат қилади деб айтиш қийин, шунинг учун у ўз фаоллигини намойиш қиляпти. 2008 йилдаги урушдан кейин АҚШ давлат котиби К. Райс одамлар олдида Саакашвилини очикчасига сўккан эди”¹¹⁶.

“Саакашвилининг ноадекват хатти-ҳаракатлари Ғарбни огоҳликка чақириши лозим. В. Алксниснинг фикрича, Грузия президентининг телбанамолигидан унинг “ҳомийлари” жуда яхши хабардор”¹¹⁷.

Ливиядаги уруш “АиФ” томонидан фаол ёритилган мавзулардан бири, десак муболаға бўлмайди. Албатта, бунинг замирида ҳам Россия манфаатлари ётади. “АиФ” ўз чиқишлари орқали Ливия ва умуман, бутун Яқин Шарқдаги воқеаларнинг сабабчиси Америка, деган ғояни илгари сурди ва бу фикрни исботлаш учун манипуляцион усуллардан самарали фойдаланди:

“Ғарб ОАВ оммани “Қаддафи ёмон, уни жазолаш керак”, қабилида ўйлашга мажбур қилди. Ўз вақтида Сербияга “ёвуз мамлакат” тамғасини босгандек. Кейин оммавий қирғин қуролини топиш баҳонаси билан Ироққа кириб борди. Аммо қурол ҳанузгача топилгани йўқ! Афғонистонга бостириб кириш учун ҳам баҳона топилди: халқаро терроризм “ўчоғи”ни йўқ қилиш”, Бен Ладенни ушлаш ва ҳ.к. Натижада нима бўлди? Афғонистонда урушга яқинда ўн йил тўлади, бироқ Бен Ладен ҳамма тириклардан ҳам тирикроқ”¹¹⁸. “АиФ” газетасида сарказм, юмор ва киноядан самарали фойдаланилади. Бу ҳам ўз навбатида мақолалар таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади. Қирғизистоннинг собиқ президенти Курманбек Бакиев журналистларга яқин келажаги ҳақида гапириб берар экан, “Халқ истеъмоли учун фойдали маҳсулотлар ишлаб чиқариш саноатини йўлга қўяман. Бу – ўйинчоқлар бўла қолсин. Улар болаларга қувонч улашиши ва экологик жихатдан тоза бўлиши

¹¹⁶ Цепляев В. “Грузия нарывается на войну?”// “АиФ”, №8, февраль 2010 йил

¹¹⁷ Юрьев В. “Зачем убили президента Саакашвили?”// “АиФ”, №11, март, 2010 йил

¹¹⁸ Зятьков Н. “Кровавое судилище”// “АиФ”, № 12, март, 2011 йил

керак”, деган фикрни билдирган. Бунга жавобан, “АиФ” мухибири В. Полупанов шундай изоҳ қолдиради: “Бакиевни “ўйинчоқ” министр сифатида ишга олишни таклиф қиламан. Ҳеч бўлмаса энди кимгадир қувонч улашсин”¹¹⁹.

Россия ОАВ мамлакатлар борасида, айрим ҳолларда жуда кескин ва бир томонлама фикрлайди ва баъзан бу тескари натижага олиб келиши ҳам мумкин. Масалан, лавозимидан туширилган Қирғизистон президенти Курманбек Бакиевни “сиёсий мурда”га қиёслаш, Қирғизистонни эса “қашшоқ Осиё мамлакати”¹²⁰ деб аташ – ахлоқ нормалари жиҳатидан тўғри эмас.

Ўзбекистон матбуотида эса жаҳоннинг йирик “держава” мамлакатлари юритаётган сиёсат ва ундан кўзланаётган мақсадлар ҳақида асосли ҳамда фактлар асосидаги материалларни узатиш амалиётини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, матбуот – ахборот ёрдамида оммавий онгни бошқариш воситаси бўлган ва шундайлигича қолади. Бироқ, норасмий цензура, тор доирадаги манфаатлар, журналист билимларининг етишмаслиги каби омиллар туфайли матбуот орқали узатилаётган ахборот ҳолислигига путур етиши мумкин. Қолаверса, юқорида тилга олинган усуллар – идеологемалар ҳосил қилиш, қарама-қарши ифодаларни қўллаш, таққослаш, метафоралардан фойдаланиш (Япониянинг Фукусима-1 атом электростанциясидаги фалокатнинг “иккинчи Чернобиль” сифатида талқин этилиши ёки Роғун лойиҳасини Ўрта Осиёдаги “цунами”га қиёслаш¹²¹ одамларда айнан қиёсланаётган воқеалар билан боғлиқ таассуротларни уйғотишга хизмат қилади) ёрдамида ҳам жамоатчилик фикрини маълум мақсадларда йўналтириш мумкин. ОАВ таъсирчанлиги – унинг воқеа ва фактларга ёндашиш услуби, уларни керакли йўналишда таҳлил қилиш маҳоратига боғлиқ.

¹¹⁹ Полупанов В. “Бакиев не наигрался?”// “АиФ”, №17, апрель, 2010 йил

¹²⁰ Юрьев В. “Киргизии помогут наши военные?”// “АиФ”, №25, июнь, 2010 йил

¹²¹ Жигарёв С. “Цунами для Средней Азии”// “Новый век”, 31 март, 2011 йил

“АиФ” ва “Хуррият” газеталарининг жамоатчилик фикрини бошқаришдаги ўрнига келсак, мисоллардан равшан бўлдики, “АиФ” – ўзининг мақсадли аудиториясига, қатъий позицияси ва воқеа-ҳодисаларни ёритиш услубига эга. Миллий матбуотимизни таъсирчан воситага айлантириш учун, даставвал журналистларимизда жараёнларни ўз вақтида ва қизиқарли таҳлил этиш амалиётини шакллантириш лозим. Шундагина ташқаридан уюштирилаётган ахборот хуружларига муносиб жавоб қайтаришимиз мумкин бўлади.

Президентимиз таъбири билан айтганда: “Эскидан қолган, оёқ-қўлимизни кишандек боғлайдиган баъзи бир қолиплардан, овозимизни баралла қўйишга халақит бераётган номаъқул қарашлардан, мухтасар қилиб айтганда, андишани нтоўғри тушуниш, ўзини ўзи назорат қилиш каби ҳолатлардан воз кечишимиз зарур”¹²².

¹²² “Хуррият” 27-июнь, 2009, “Оммавий ахборот воситалари ходимларига” И. А. Каримов

ХУЛОСА

Олимлар дунёдаги кейинги сиёсий жараёнларда қурол эмас, балки билим ва ахборот ҳал қилувчи кучга айланиши ҳақида тинмай бонг уряпти. Бу яхшими ёки ёмон? Ахборот эркинлиги – назоратсизлик(ёки аксинча ахборотни қатъий назоратда ушлаб туришми?) яқин истиқболда қандай оқибатларга олиб келиши мумкин? Фаолияти ҳеч қандай расмий ёки ахлоқий ҳужжатлар билан чегараланмаган ОАВ давлатлар тинчлиги, инсонларнинг руҳий саломатлигига хавф солмайдими? Бу масалалар юзасидан аниқ бир фикрни айтиш қийин. Чунки ахборот онг ва психология билан чамбарчас боғлиқ ҳодиса. У онгга етиб борган, таъсир этган ҳолатдагина мавжуд. Жамоатчилик фикрини бошқариш йўлидаги ҳаракатлар ҳам шу қонуниятга асосланади.

Инсон психологиясининг чуқур тадқиқ этилиши уни осонроқ бошқариш имконини берди. Айни дамда турли ахборот оқимлари орқали узлуксиз равишда амалга оширилаётган манипуляциядан деярли ҳеч ким ҳимояланган эмас. ОАВ фаолиятини жамоавий онгга таъсир этиш нуқтаи назаридан таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратишимиз лозим бўлади:

Биринчидан, оммавий коммуникация воситаларининг айнан оммавий истеъмол учун мўлжалланган ахборотлар ишлаб чиқараётгани жамоатчилик фикрига мақсадли таъсир этиш жараёнларини янада осонлаштиради. Чунки оммавий аудитория бу бир вақтнинг ўзида битта ахборот билан ўзаро боғланган турли индивидлардан иборат ва мазкур жараёнда ҳар бир алоҳида шахс ўзини жамоанинг бир қисми сифатида идрок этади.

Иккинчидан, оммавий ахборот воситалари ҳеч қачон бутунлай эркин фаолият юрита олмайди. Улар ҳар доим қайсидир ташкилот, муассаса, корхона, давлат ёки алоҳида шахс манфаатларини ҳимоя қилади. Манфаатлар аралашган жойда холислик ва ҳаққонийликка путур етиши табиий.

Учинчидан, технология тараққиёти туфайли ахборот маконида вужудга келган кучли рақобат тижорий мақсадларда аудиторияни ОАВнинг

муайян турига жалб қилиш эҳтиёжини юзага келтиради. Бу - узатилаётган ахборотлар таъсирчанлигини ошириш, реклама учун аудитория “яратиш” тенденциясини янада жадаллаштириб юборади.

Тўртинчидан, бошқа давлатлар устидан “ахборот сиёсати”ни юргизиш, оммавий онгни чалғитиш, уни ақлий “фалаж” бир ҳолатга тушириб қўйиш ва шу йўл билан ҳеч қандай қаршиликларсиз ўз геосиёсий мақсадларини амалга ошириш йўлида айрим мамлакатлар ОАВ кучидан самарали фойдаланмоқда.

Бешинчидан, ахборот ишлаб чиқариш жараёнининг жадаллашиб кетгани боис, жамоатчилик учун ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаган маълумотлар ҳаддан ташқари кўпаймоқда. Бу эса ахборотларни таҳлил қилиш орқали ҳақиқатни ёлғондан ажратиб олиш имконини бутунлай йўққа чиқаради.

Олтинчидан, газета, радио, телевидение ёки интернет орқали берилаётган ахборот – умумий воқеликдан юлиб олинган маълум бўлак холос. ОАВ орқали фақат оммага ошкор қилиниши керак бўлган ахборотларгина узатилади. Аудиторияга журналист саралаб олган, мусахҳиҳ ва бош муҳаррир таҳрир қилган, таҳририятнинг “ички сиёсат”ига мослаштирилган ахборот етиб боради.

Манипуляция коммуникатив ва сиёсий бошқарув усули сифатида етарлича мавқега эга бўлган ҳозирги пайтда унинг таъсирларидан имкон даражасида сақланиш борасида қуйидаги таклифларни билдириб ўтамиз:

Биринчидан, манипуляция тушунчасини ҳар томонлама тадқиқ этиш, жамоатчиликни яширин таъсир йўллари билан бошқариш амалиёти юзасидан хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш фойдадан ҳоли бўлмас эди.

Иккинчидан, ахборотлар орасидан энг муҳим ва керакли информацияни ажратиб олиш учун уларни янгиликларни бир-бири билан қиёслаб оладиган, уларнинг замиридаги мақсадлар моҳиятига ета оладиган кадрларни етиштириш;

Учинчидан, ташқаридан уюштирилаётган ахборот хуружларига ўз вақтида ва муносиб жавоб қайтариш, миллий ОАВнинг таъсирчан, жамоатчиликнинг ишончини қозона оладиган даражада ҳолис фаолият олиб боришига эришиш;

Тўртинчидан, Интернет журналистикасини ривожлантириш, хориж ахборот манбаларининг мамлакатимиз тўғрисида тарқатаётган ахборотларидан мунтазам хабардор бўлиб бориш.

Ахборот, у қанчалик объектив бўлмасин, барибир инсон онгига, қарашларига таъсир этади. Демак, манипуляция табиий жараён, кўп ҳолларда у табиий равишда, ўз-ўзидан вужудга келиши ҳам мумкин. Бунинг учун махсус технологияларни ишлаб чиқишга, минглаб илмий асарлар яратишга ҳожат ҳам йўқдек кўринади, аслида.

Ғарб мутахассислари ва тадқиқотчилари манипуляция қилишда шаклланган тенденцияларни таҳлил қилиш, уларнинг оқибатларини олдиндан кўриш катта аҳамият касб этишини таъкидлайди. Улар манипуляцияни моҳиятан теран тушунган ҳолда унинг технологиялари давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатида кенг қўлланилаётганини инкор этмайди. Шу сабаб мазкур феноменни ўрганишга ва уларни чуқур таҳлил қилишга эътибор қаратадилар. Зеро, сўз ва ахборот ёрдамида манипуляция қилиш одамларни бошқаришнинг энг осон ва самарали йўлларида бири ҳисобланади. Ажаб эмаски, оммавий ахборот воситаларининг “тўртинчи ҳокимият” сифатидаги аҳамияти ҳам шунда бўлса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш, Т., “Ўзбекистон”, 2009.
2. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
3. Каримов И. А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И. А. “Оммавий ахборот воситалари ходимларига”// “Hurriyat” 27-июнь, 2009.
5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: XXII чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган (Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги Қонунига мувофиқ киритилган ўзгартиришлар билан). Т.: Ўзбекистон, 2000.
6. “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинликлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 24.04.1997 й.
7. “Реклама тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 25.12.1998 й., N 723-I
8. Аршанинов Л. Общие характеристики СМИ. – www.temator.ru.
9. Доценко Е. Л. Психология манипуляции. Феномены, механизмы, защита. - М., 1996.
10. Кара-Мурза С.Г. Манипуляция сознанием. – М.: “Эксмо”, 2003.
11. Лебон Г. Психология народов и масс – М.: Академический проект, 2011.
12. Макиавелли Н. Государь, М.: “Планета”, 1990 г.
13. Малюга Е.Н. Подходы к изучению вопросительных предложений в англо-американской прессе. М., 2001.
14. “Мир философии”, часть II, М.: Изд. политической литературы, 1991 г.
15. Ольшанский Д.В. Политическая психология, М.: 2002 г.

16. Прохоров Е.П. “Введение в теорию журналистики”, М.: “Аспект-пресс”, 2003.
17. Солганик Г. Я. О языке и стиле газет, М.: “Прогресс”, 2007.
18. Тер-Минасова С. Г. Язык и межкультурная коммуникация. М.: 2000.
19. Тоффлер Э. Футурошок, М.: “Издательство АСТ”, 2002.
20. Умарова Н. Ахборот хавфсизилиги: муаммо ва ечимлар. Т.: “Академия”, 2008.
21. Ученова В. Беседы о журналистике, М.: Молодая гвардия, 1985.
22. Фромм Э. Духовная сущность человека. Способность к добру и злу. М.: 1988.
23. Харрис Р. Психология массовых коммуникаций, Москва, «ОЛМА-ПРЕСС», 2002.
24. Абдулбоқиев Ф. “Қора шарпалар”//“XXI asr”, 28 апрель, 2011.
25. “Аргументы и факты” газетасининг 2010 – 2011 йил тахламлари
26. Ёқубов С. “Ахборот жамияти: ҳаёлот эмас, ҳақиқат”/ “Tafakkur “, 4-сон, 2007.
27. Жигарёв С. “Цунами для Средней Азии”// “Новый век”, 31 март, 2011.
28. Жўраев Н. “Жавобсиз саволлар изтироби” / “Tafakkur”, 3-сон, 2006.
29. Ибрагимова Н. Имидж таъсирни кучайтиради / “Ўзбекистон матбуоти”, 3-сон, 2008.
30. Иванова А. “Биометрик паспорт афзалликлари ва уни жорий этиш”// “Ma’rifat”, 12 январь, 2011.
31. Каримов Ф. “Демократия ва миллий ахборот тизими”/ “Tafakkur” 2-сон, 2010.
32. Каримов Ф. “Журналист кадри”//“Hurriyat”, 22 июль, 2009.
33. Клушина Н.И. Языковые механизмы формирования оценки в СМИ // Публицистика и информация в современном обществе / Под ред. Г.Я. Солганика. М., 2000.
34. Костенко-Попова О. “Хватит нас пугать!”//“АиФ” №9, декабрь, 2009
35. Мирносиров М. “Глобал таъсир воситаси”/ “Tafakkur”, 2-сон, 2004.

36. Низомов Ф. “Манфаат ва холислик” / “Tafakkur” 3-сон, 2009.
37. Николина Н.А. «Скорнение» в современной речи // Язык как творчество. М, 1996.
38. Пўлатов А. “Хавфсизлик кучлари аҳолини хушёрликка чорламоқда”// “Milliy tiklanish”, 20 октябрь, 2010.
39. Саидов У. “Маърифатчилик: тафаккур ва эркинлик уйғунлиги”/ “Tafakkur”, 1-сон, 2010 йил
40. Солганик Г.Я. О специфике газетно-публицистической метафоры // Журналистика и культура русской речи. 2002. № 2.
41. Умрзокова Г. “Адабиёт яшаса – миллат яшайди”//“Milliy tiklanish”, 20 октябрь, 2011.
42. Фармон Ҳ. “Аргументы и факты” тажрибаси”// “Hurriyat”, 17 июнь, 2009.
43. Холмуродов Ш. “Иссиқхонада ёз неъматлари”// “Халқ сўзи”, 12 февраль, 2011.
44. Храмчихин А. “Ещё раз про чики-вики”//“Частный корреспондент”, 24 декабрь, 2010.
45. Эркаев А. “Тафаккур эркинлиги” / “Tafakkur”, 2-сон, 2005
46. “XXI asr”, 5 май, 2011.
47. “XXI asr”, 28 апрель, 2011.
48. “Hurriyat” газетасининг 2010 – 2011 йил тахламлари

Интернет манбалари

49. <http://www.centrasia.ru>
50. www.coob.ru/moskovichi_s/
51. <http://evartist.narod.ru/text12/07.htm>
52. <http://www.inosmi.ru>

53. www.lenta.ru

54. www.wikipedia.org

55. <http://www.33333.ru/public/manipula.php?st=2>